

**Иқтисодий
ҳамкорлик — давлатлар
ўртасидаги алоқалар-
нинг, одамлар тинчлиги
ва фаровонлигининг
асосий омили.**

Ислом КАРИМОВ



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2014-yil 26-aprel, shanba № 34 (8683)

МАМЛАКАТИМИЗ ҚУДРАТИНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиш-нинг бориши билан танишиш мақсадида 25 апрель куни Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди.

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти тобора юксалиб бормоқда. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш, замонавий бизнес инфратузилмасини ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Юртимиздаги макроиқтисодий барқарорлик ва қулай сармоявий муҳит таъсирида энг ривожланган давлатлар, нуфузли молия муассасалари мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилмоқда. Бунинг самарасида янги-янги замонавий корхоналар бунёд этилмоқда.

Ўзбекистон учун Корея Республикаси вақт синови-дан ўтган ва ҳар жиҳатдан ишончли стратегик шерик-дир.

Бугунги кунда Ўзбекистон-Жанубий Корея муносабатлари давлатлараро ва ҳукуматлараро даражада, фирма ва компаниялар доирасида ўзаро манфаатдорлик асосида ривожланмоқда. Мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар соҳаларда қарор топган муносабатлар 2006 йилда имзоланган Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация ру-

ҳида изчил ривожланиб, янги мазмун билан бойиб бормоқда. Ўзаро ҳамкорликда янги-янги ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилмоқда.

Сурғил кони негизида бунёд этилаётган Устюрт газ-кимё мажмуаси Ўзбекистон ва Жанубий Корея ҳамкорлигининг юксак намунасидир. Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 3,9 миллиард АҚШ долларини ташкил қилади. Унинг амалга оширилиши йилига 4,5 миллиард куб метр табиий газни қайта ишлаш ҳисобидан 3,7 миллиард куб метр газ, 387 минг тонна полиэтилен, 83 минг тонна полипропилен, 102 минг тонна пиролиз бензини ва бошқа қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради.

Президентимиз Ислом Каримов 25 апрель куни ушбу йирик саноат корхонасига ташриф буюриб, бу ерда амалга оширилаётган қурилиш ишлари билан танишди.

— Бундай йирик ва муҳим лойиҳани Корея Республикаси билан ҳамкорликда амалга ошираётганимиз бежиз эмас, — деди давлатимиз раҳбари. — Ўзбекистон Корея Республикасига улкан иқтисодий, индустриал ва интеллектуал салоҳиятга эга ривожланган давлат сифатида қарайди. Мамлакатларимиз ўртасида қарор топган мустақам ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни юксак қадрлайди.

Устюрт газ-кимё мажмуаси нефть-кимё соҳасида дунёдаги энг йирик лойи-

ҳалардан биридир. “Project Finance International” халқаро нашри ушбу мажмуани қуриш лойиҳасининг лойиҳавий молиялаш битими нефть-кимё ва газ-кимё секторидagi 2012 йилнинг энг яхши лойиҳаси, деб эътироф этган. Шунингдек, у “Trade Finance Magazine” ва “Global Trade Review” нашрларининг “2012 йилнинг энг яхши битими” халқаро мукофотларига сазовор бўлган.

2014 йил 13 мартда яна бир нуфузли халқаро нашр — «Infrastructure Journal» ушбу газ-кимё мажмуаси қурилиш лойиҳасини «Нефть-газ соҳасидаги 2014 йилнинг глобал битими» нуфузли мукофоти билан тақдирлади.

(Давоми 2-бетда.)

Muhammad Yusuf tavalludining 60 yilligi

ВАТАН ВА ИСТИҚЛОЛ КУЙЧИСИ


Соғлом ва мустақил фикрга эга, ҳар жиҳатдан баркамол инсонни тарбиялаш, ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларни эзгу ғоялар руҳида камол топтиришда миллий адабиётимизнинг ўрни ва аҳамияти катта. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида бадиий адабиётни раванқ топтириш, бу йўлда фидокорона меҳнат қилган ижодкорлар меҳнатини қадрлаш, марҳум ижодкорлар хотирасини эъзозлаш масаласи доимий эътиборда бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф жўшқин ва серкирра ижодий фаолияти, жонажон Ватанимиз, мустақиллигимиз, меҳнатсевар халқимизни мадҳ этувчи шеърлари билан адабиёт муҳлисларининг ардоғига сазовор бўлган ҳассос ижодкорлардан эди.

Шу кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида Ватан ва истиқлол куйчи-

си таваллудининг 60 йиллиги кенг нишонланмоқда. Таълим даргоҳлари, корхона ва ташкилотлар, меҳнат жамоалари, маҳаллаларда, ҳарбий қисмларда шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган адабий учрашувлар, анжуманлар, маънавий-маърифий тадбирлар, адабиёт кунлари бўлиб ўтмоқда.

(Давоми 3-бетда.)



ЁШЛАРНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИ

**“Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар”
VII республика ярмаркасида яққол намоён бўлди**

Илм-фанда қўлга киритаётган ютуқларимиз замирида юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини, ёшларимиз саодатманд, баркамол вояга етишини, эртаимиз бугундан ҳам нурафшон бўлишини таъминлашдек ватанпарварлик ғояларига йўғрилган эзгу мақсад мужассам. Бу эса ҳар бир юртдошимиз қалбига чексиз ғурур-ифтихор бағишлайди.

Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ”да Ўзбекистон Республикаси

Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан ташкил этилган “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар” VII республика ярмаркасида бу фикр ўзининг яққол тасдиғини топди.

(Давоми 7-бетда.)



МАМЛАКАТИМИЗ ҚУДРАТИНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мазкур лойиҳа қўшма корхона муассислари бўлган Жанубий Кореянинг «Kogas», «Lotte Chemical», «STX Energy» компаниялари ва «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компаниясининг 1,4 миллиард доллар ҳажмидаги тўғридан-тўғри инвестицияси, шунингдек, 2,5 миллиард доллардан зиёд кредит ресурслари ҳисобидан молиялаштирилмоқда.

Лойиҳани молиялаштиришда Осиё тараққиёт банки, Korea Development Bank, Korea Finance Corporation (Корея Республикаси), China Development Bank (Хитой), ING (Нидерландия), Hermes, KfW, Bayern LB, Siemens Bank (Германия), Credit Suisse (Швейцария), EKN, Nordea, SEC (Швеция) каби тарақ-

қиёт банклари ҳамда етакчи тижорат банклари, шунингдек, Жанубий Корея, Германия ва Швециянинг лойиҳани амалга оширишда қатнашаётган банкларга суғурта тўловларини тақдим этган экспорт-импорт агентликлари сингари нуфузли молия муассасалари иштирок этаётгани ушбу лойиҳанинг нақадар истиқболли эканидан далолат беради.

2012 йилда бошланган курилиш ишлари бугунги кунда жадал давом этмоқда. Замонавий инфратузилма объектлари барпо этилиб, ускуналар ўрнатилмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу ерда меҳнат қилаётган ишчи ва мутахассислар билан суҳбатлашди.


Меҳнатсеварлик, сямийлик, бағрикенглик каби

фазилатлар ўзбек ва корейс халқларига бирдек хос, деди Ўртбошимиз.

Мажмуа курилишида 6 минг 400 га яқин киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг 3 минг 500 дан зиёди юртимиз мутахассислари бўлиб, аксарияти ёшлардир.

Биз мустақиллигимизнинг илк йилларида келажаги буюк давлат куришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эдик, деди Президентимиз. Бугун замонавий bilimlarni puxta egallagan, mana shunday noyob zavodlarda ishlayotgan yoshlarimizga qarab quvonamiz va ana shu ezigu niyatlarimizga erishayotganimizning amaliy ifodasini ko'ramiz.

Давлатимиз раҳбари бу ерда меҳнат қилаётган ишчи ва мутахассисларнинг яшаш ва меҳнат шароитлари билан қизиқди.



Учрашувда "Uz-Kor Gaz Chemical" Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси бошқаруви раиси Ли Хонг Йол, «Lotte Chemical» компанияси директори, лойиҳанинг техник раҳбари Хюн Чул Пак, «Hyundai engineering» компанияси менежери, Устюрт газ-кимё мажмуаси курилиш майдо-

ни раҳбари Ким Ван Су ва бошқалар яратилган қулай шарт-шароит, доимий эътибори учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Анвар САМАДОВ,
Аминбой ОРТИҚБОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари

Фарҳод ҚУРБОНБОВ
(ЎЗА) олган сурат.

Наманганда жорий йилда ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган «Баркамол авлод – 2014» спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида таш-



Ёшлик ва спорт байрамига наманганлик ёшлар ҳам қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Вилоят терма жамоалари ҳудудий саралаш босқичларида мусобақа дастурига киритилган кўплаб спорт турлари бўйича финал босқичига йўлланмани кўлга киритди.

— Мусобақаларга ташкилий тайёргарлик ва вилоят терма жамоалари ҳақида «Наманган ёшлар маркази» да ташкил этилган «Баркамол авлод» вилоят штаби ва мат-

ТАЖРИБА АЛМАШИШДА ҚЎЛ КЕЛАЯПТИ

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамкорлигида «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловининг «Ёш мутахассислар» республика форуми доирасида Фанлар академиясининг «Йилнинг энг фаол ёш олими» танлови бўлиб ўтди.

Кўрик-танловнинг дастлабки босқичида муассаса раҳбарлари, илмий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, илмий котиблари, ёш олимлар кенгаши раислари энг иқтидорли, ташаббускор ва изланувчан ёш олимларни аниқладилар. Унда иштирокчиларнинг илмий фаолияти долзарблиги, давлат илмий-техник дастурларидаги фаол иштироки, ихтиролари, илмий-техник ишланмалари, янги технологияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, муаллифлик гувоҳномалари ва жамоатчилик ишларида жонкуярлиги, ютуқлари инобатга олинди.

Ўз навбатида мазкур танлов Академия тизимидаги илмий муассасаларда ишлаётган ёш тадқиқотчиларнинг тажриба ҳамда маҳоратларини синовдан ўтказиш баробарида, уларнинг тажриба алмашишига ҳам замин яратди.

Ҳар бир илмий муассасадан голиб деб топилган 15 тадқиқотчи кейинги босқичда иштирок этди. Улар орасида Ядро физикаси институти илмий ходими Аҳмадjon Абдулжаббаров, «Физика-Қуёш» ИИЧБ ходими Ойбек Абдулҳаев, Физика-техника институти Астрономия институти ходими Абдулло Ҳақимов, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти ходими Ганжибой Болтаевнинг ишлари яхши таассурот қолдирди.

— Ана шундай илмий баҳс-мунозаралар билимларимизни бойитади, тажриба оширишимизга имкон яратади, — дейди Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ёш олимаси Феруза Рафиева. — Бу, албатта, иш жараёнида ҳам асқотади. Кичик муваффақият кейинги босқичда голибликни кўлга киритишда куч-ғайрат бағишлаш, шубҳасиз.

«Ёш мутахассислар» республика форуми доирасида ўтказиладиган мактабгача таълим муассасалари ўртасидаги «Йилнинг энг фаол ёш тарбиячиси» танлови ҳам қизғин паллага кирган. Шундай тадбир Фаллаорол туманида бўлиб ўтди.

Ёш тарбиячиларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишлари ҳамда ташаббускорлиги, интилишларини кўлаб-қувватлаш, тажриба алмашишларига имкон яратиш, илгор ғояларни оммалаштириш, иқтидорли ёш мутахассисларни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган танловда 12та мактабгача таълим муассасасининг ёш тарбиячилари иштирок этди.

Ҳакамлар ҳайъати таълим муассасалари фаолияти самарадорлигини оширишга, ёш авлод ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ҳисса қўшаётган, маънавий-ахлоқий фазилатлари ҳамда ташаббускорлиги, тадбиркорлиги ва ижодкорлиги билан жонбозлик кўрсатаётган ёш тарбиячиларнинг уқуви, малакаси ва салоҳиятига қараб голибни аниқладилар.

Танлов якунида фаол иштирокчилар рағбатлантирилди, голиб вилоят босқичига йўлланма олди.

О.ЖУМАОБОВ,
А.ШАКАРБОВ

ЁШЛИК ВА СПОРТ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК

кил этилган тадбирда «Баркамол авлод – 2014» спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш, унинг кўтаринки руҳда ва юқори савияда ўтишини таъминлаш учун кўриладиган чора-тадбирлар тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Тадбирда қайд этилишича, «Баркамол авлод – 2014» спорт ўйинларини юқори савияда ўтказиш мақсадида Наманган вилоятида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилган. Наманган шаҳрини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари 14 миллиард 800 миллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилган. Мусобақалар дастурига киритилган спорт турлари бўйича иншоотлар, иштирокчилар жойлаштириладиган меҳмонхона ва ётоқхоналар ҳамда бошқа ижтимоий-маиший объектлар замонавий тарзда жиҳозланган. «Дўстлик» теннис корти мажмуасидаги очиқ ва ёпиқ кортлар, Наманган Олимпия захиралари коллежининг баскетбол, «Пахлавон» спорт мажмуасининг бадий гимнастика заллари мусобақаларга шай қилиб қўйилган. Ўқув юртларининг икки ярим минг ўринли ётоқхона мажмуалари таъмир-чилик, ёш спортчилар ва меҳмонлар учун барча шарт-шароит яратилган.

буот марказидан батафсил маълумотлар олиш мумкин, — дейди вилоят ҳокимлигининг ахборот хизмати раҳбари Соҳибжон Рафиқов. — Мусобақаларнинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари, жараёнларни ёритишда иштирок этадиган оммавий ахборот воситалари вакиллари учун штабда барча зарур шароит ва имкониятлар яратилган. Интернет тармоғига уланган ўнлаб компьютерлар, алоқа ва бошқа техника воситалари тахт қилиб қўйилди. Махсус яратилган веб-сайт нафақат журналистлар, балки барча қизиқувчиларга хизмат қилади.

«Баркамол авлод – 2014» беллашувларининг финал босқичи катнашчилари учун қизқарли ва кўнгилочар тадбирларга бой катта маданий дастур ҳам тайёрланган. Унда таниқли спортчилар, ёзувчи ва шоирлар, санъат намояндалари билан учрашувлар, диққатга сазовор жойларга саёхатлар, турли шоу-концертлар, бадий фильм ва спектакллар намойиши, «Истиқлол» дизайн маркази, «Ифтихор кийим санъат», «Нестле Ўзбекистон» каби замонавий ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти билан таништириш тадбирларини ташкил этиш режалаштирилган.

А.САТТОРОВ
ЎЗА мухбири

26-aprel — Amir Temur ordeni ta'sis etilgan kun

2004 йил бўлиб ўтган ФИДЕ чемпионатининг финалида 24 ёшли ўзбек гроссмейстери Рустам Қосимжонов англиялик Майкл Адамсга мағлуб этиб, шахмат бўйича жаҳон чемпионилигини қўлга киритди. Ўзбек ўғлони бу тарихий ғалабаси билан муқаддас заминимизда камолга етган не-не буюк зотларга муносиб ворис эканини исботлади.

Бу оламшумул ғалаба ўзбек халқининг юксак салоҳияти, бой ақл-заковат соҳиби сифатида жаҳон

этиш — тарихни идрок этиш демакдир. Амир Темурни англаш — ўзлгимизни англаш демакдир. Амир Темурни улуғлаш — тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажакимизни, ишончимизни мустақамлаш демакдир.

Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида Амир Темурнинг хотираси ва бой мероси тикланди. 1996 йил мамлакатимизда Амир Темур йили деб эълон қилиниб, Со-

ликни, тинчликни, меъморликни, илм-фан, адабиёт ва санъатни, шунингдек, халқлар ўртасидаги дўстликни мустақамлашга алоҳида ҳисса қўшган юртдошларимиз, шунингдек, мамлакатимиз фуқароси бўлмаган шахслар тақдирланади.

Фуқаролар билан бир қаторда, айрим ҳолларда қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, ижодий жамоалар ва ҳарбий бўлинмалар, мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бирликла-



Мустақиллик йилларида қутлуг тўйлари нишонланган бу шаҳарлар янада чирой очди. Меъморий обидалар, муқаддас қадамжолар ободонлаштирилиб, файзли зиёратгоҳларга айлантирилди. Замонавий уй-жойлар, таълим ва маданият муассасалари, йўл ва кўприклар бунёд этилди, боғлар яратилди. Бундай ишлар бугун ҳам изчил давом эттириляпти.

Бугун Амир Темурнинг бой маънавий ва маданий мероси, мардлик, донишмандлик ва ватанпарварлик фазилатлари ёш авлодга ибрат бўлиб келмоқда. Рустам Қосимжонов шахмат бўйича жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритгани ҳам буюк аждошларимиздан мерос юксак ақл-заковат бугунги авлодлар томирида яшяётгани, истиқлол яратган имкониятлардан куч-қувват олиб, ўзини намоян этаётганининг ёрқин ифодасидир.

Амир Темур ordeni халқимизни янгидан-янги ютуқларга ундовчи куч, гурур ва ифтихоримиз тисоли бўлиб қолаверади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

АВЛОДЛАР КЎКСИДАГИ ГУРУР-ИФТИХОР

микёсидаги обрўсини янада юксалтирди, Ватанимиз шон-шухратини оширди. Ёш шахматчимизнинг юксак ғалабаси муносиб баҳоланди — Президентимиз Ислам Каримовнинг фармонида биноан Рустам Қосимжонов Амир Темур ordeni билан тақдирланди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таъсис этилган ушбу orden мамлакатимизда Соҳибқирон сиймосига кўрсатилаётган чуқур ҳурмат ва эътиборнинг ифодаси сифатида юртдошларимизни буюк аждошимизга муносиб авлод бўлишга ундаб келмоқда.

Олий унвон ва мукофотларда ҳар бир мамлакатнинг тарихи, қадриятлари, миллий ифтихори ўз аксини топади. Президентимиз таъкидлаганидек, Амир Темур шахсини идрок

ҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди. Темурийлар тарихи давлат музейи ташкил этилди. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги қонунига биноан Амир Темур ordeni таъсис этилди.

Амир Темур ordeni марказида Соҳибқироннинг от устидидаги улугвор қиёфаси акс эттирилган, тасвир остида эса бобомиз ҳаётда қатъий амал қилган шиор — «Куч — адолатда» сўзлари битилган. Бу ҳикматда бобокалонимизнинг ҳаётий эътиқоди, айна чоғда бугун мамлакатимизда юритилаётган сиёсатнинг ҳам мазмун-моҳияти ўз ифодасини топади.

Ушбу orden билан давлатчилигимизни мустақамлашдаги улкан хизматлари, ҳарбий маҳоратни ривожлантиришга, давлатлараро ҳамкор-

ри ҳам ушбу orden билан мукофотланиши мумкин.

1996 йил 28 августда бобокалонимизнинг 660 йиллик юбилеи муносабати билан Президентимиз фармонида биноан Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарлари Амир Темур ordeni билан мукофотланди.

Зеро, бу шаҳарлар Амир Темур ҳаёти ва фаолиятида алоҳида ўрин тутади. Буюк Соҳибқирон кўҳна Кешда таваллуд топиб, вояга етган бўлса, Самарқандни ўз салтанатининг пойтахтига айлантирган. Бу икки шаҳарнинг гуллаб-яшнашига, юксалишига алоҳида эътибор қаратган, етти иқлимга машҳур обидалар барпо эттирган. Бу тарихий ёдгорликлар бугун ҳам юртдошларимиз ва сайёҳларда катта қизиқиш ва ҳайрат уйғотиб келмоқда.

ВАТАН ВА ИСТИҚЛОЛ КУЙЧИСИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

«Туркистон» саройида 25 апрель куни Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига бағишланган ижодий кеча бўлиб ўтди. Унда парламент аъзолари, ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар, маънавият тарғиботчилари, ўқитувчилар, кенг жамоатчилик вакиллари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, «Ўзбекино» миллий агентлиги бош директори Ж.Қосимов, Ўзбекистон халқ артисти А.Рафиков Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий маънавиятимизнинг узвий ва муҳим қисми бўлган адабиётни ривожлантириш, шоир ва ёзувчиларимизнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг

2013 йил 27 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори бадиий сўз санъати, унинг ривожини йўлида меҳнати сингган ижодкорлар хотирасини ардоқлаш борасида кўрсатилаётган эътиборнинг амалдаги яна бир ифодасидир.

Муҳаммад Юсуф халқимиз маънавияти, онгу тафаккурини юксалтириш, ёш авлод қалбига ўзликни англаш, миллий гурур ва ифтихор туйғуларини, эзгу фазилатларни камол топтириш борасида ёрқин истеъдоди, бетакрор бадиий асарлари, ибратли ижтимоий фаолияти билан катта ҳисса қўшган. Унинг истиқлолимизга садоқат, она Ватанга муҳаббат туйғуларини маҳорат билан тараннум этган шеърлари, дostonлари адабиёт мухлислари, бутун халқимизнинг кўнгил мулкига айланган.

Муҳаммад Юсуфнинг «Таниш тераклар», «Ишқ кема-си», «Эрка кийик», «Ўзингдан қўямасин, халқим» каби

шеърый тўпламлари адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган. Унинг Ўзбекистонимизни, меҳридарё халқимизни, беғубор ва самимий туйғуларни тараннум этувчи шеърлари асосида яратилган кўшиқлар санъат мухлислари қалбидан жой олган.

Шоирнинг адабиётимиз раҳнамолигида меҳнатлари муносиб тақдирланган. Президентимиз Ислам Каримовнинг фармонлари билан Муҳаммад Юсуф «Дўстлик» ordeni, Ўзбекистон халқ шоири фахрий унвони билан мукофотланган эди.

Давлатимиз раҳбари қарори билан шоирнинг олтинчи йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда кино ижодкорларимиз томонидан унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳужжатли фильм яратилди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида шоирнинг «Сайланма» асарлари, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг «Адиб» нашриётида «Муҳаммад Юсуф замондошлари хотирасида» тўплами chop этилди. Шоир таҳсил олган



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ
ШОИРИ
МУҲАММАД
ЮСУФ

БУ УЙДА 1957-2001 ЙИЛЛАРДА
ЯШАБ ИЖОД ҚИЛГАН

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидида унинг ибратли фаолиятига бағишланган музей хонаси ташкил этилди. Мазкур университет талабалари томонидан шоирнинг шеърлари кўллаб хорижий тилларга таржима қилиниб, китоб ҳолида chop этилди.

Ижодий кечада Муҳаммад Юсуфнинг умр йўлдоши Назира Саломова юксак эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

— Истиқлол барча қалам аҳли сингари Муҳаммад аканинг ҳам эркин ва самарали ижод қилиши учун кенг имкониятлар яратди, — дейди Н.Саломова. — Давлатимиз раҳбари томонидан унинг меҳнатлари юксак эътироф этилиб, хотирасини эъзозлаш юзасидан кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибордан бошимиз кўкка етди.

Адабий кечада ҳассос шоир ҳаёти ва фаолиятига

оид янги ҳужжатли фильм намойиш этилди. Концерт дастурида шоир шеърлари билан айтиладиған ашулалар янгради.

Ижодий кечада Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов иштирок этди.

Шу кун Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф яшаган пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Пушкин-Солор кўчасидаги 1-уйда шоир хотирасига бағишлаб ёдгорлик лавҳаси ўрнатилди.

Халқимизнинг ардоқли шоири хотирасига бағишланган ижодий кечалар, маърифий анжуманлар, мушоиралар давом этмоқда.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

ЎЗА фотомужбирлари
Аскар ҒУБОВ,
Отабек МИРСОАТОВ
олган суратлар.

Yangiliklarda yurt nafasi



❖ Пойтахтимизда 24 апрель кuni «Фукароларнинг меҳнат ҳуқуқлари таъминланиши: Ўзбекистон таърибаси ва меҳнат соҳасидаги халқаро стандартлар» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Мазкур анжуман Ўзбекистон касба уюмлари федерацияси кенгаши томонидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Адлия вазирликлари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси, Халқаро меҳнат ташкилоти ва БМТ Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, қатор вазирлик ва идоралар, халқаро ва жамоат ташкилотлари вакиллари, иш берувчилар ҳамда хорижий экспертлар иштирок этди.

Анжуманда фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва уларни миллий қонунчилик ҳамда халқаро стандартлар асосида таъминлаш усуллари, Ўзбекистон касба уюмларининг ходимлар меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги фаоллиги, халқаро меҳнат стандартларини татбиқ этишда Халқаро Меҳнат Ташкилотининг роли, меҳнат ҳуқуқлари ва уларни таъминлаш механизмига доир маърузалар тингланди.

Халқаро конференцияда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар қабул қилинди.

❖ Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида Соғлом бола йилга бағишланган Таъсирли саноат фестивали якунланди.

Фестивалнинг ёғилиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тадбирда вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ўқитувчилар, талаба-ёшлар, ота-оналар иштирок этди.

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар зали, унга туташ ҳудудларда расом ижодкорларнинг, Тошкент Фотосуратлар уйида Бадий ижодкорлар уюшмаси шўбалари аъзоларининг кўргазмалари ўтказилди. Уларда намойиш этилган тасвирий ва амалий санъатнинг турли йўналиш ва жанрларига оид асарларда Ватанимизда ёш авлод истиқболи, таълим-тарбияси, саломатлиги йўлида кўрсатилаётган чексиз меҳр-эътибор ахс этирилган.

Расомлар, ҳайкалтарошлар, уста-хушмармандлар иштирокидаги маҳорат сабоқлари ёшларнинг тасвирий санъатга оид билимини бойитган бўлса, болалар бадий жамоаларининг концертлари мусика, шеъринг ва рассомлиқнинг ўзаро уйғун эканини намойиш этди. Миллий либослар кўргизи, бадий таълим, нафис санъат ривожининг илмий асосларига оид янги наشرлар тақдими бўлиб ўтди.

Тасвирий санъат фестивалида фаол иштирок этган ёш ижодкорларга диплом ва совғалар топширилди.

❖ «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати қатор вазирлик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда МИТ.уз II миллий интернет танлови бошланганини эълон қилди.

Бу йилги II миллий интернет танлови Президентимиз Ислон Каримовнинг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида ўтказилмоқда.

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашидан маълум қилишларича, бу йилги танлов ўн та асосий ва тўртта қўшимча йўналишлар бўйича бўлиб ўтади. Унда 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган веб-дизайнерлар, дастурчилар, интернет сайтлари муаллифлари, фотомужабилар, журналистлар ва ёш ижодкорлар ўз сайтлари, интернетга жойлаштирилган фото ва видеома териаллари билан қатнашиши мумкин. Танловда иштирок этаётган веб-сайтлар нафақат ҳакамлар ҳайъати, балки интернетдан фойдаланувчилар томонидан ҳам баҳолаб борилади.

МИТ.уз миллий интернет танловида иштирок этиш учун аризалар жорий йилининг 25 апрелдан 1 июлга қадар қабул қилинади. Ҳолибларни тақдирлаш маросими «InfoCOM-2014» анъанавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида бўлиб ўтади.

Миллий интернет танловига оид қўшимча маълумотларни www.mit.uz сайтидан олиш мумкин.

❖ Қарши шаҳрида «Интернет ва ахборот-кутубхона ресурсларидан фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаларида фойдаланиш» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Тадбир Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, «Узархив» агентлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилди. Анжуманда депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар, халқаро ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маънавият тарғиботчилари, АҚШ, Германия, Озарбойжон, Россия, Қозғистон каби мамлакатлардан соҳа мутахассислари ва экспертлар иштирок этди.

Конференция иштирокчилари электрон ахборот ресурсларини фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаларига жорий этиш ва ривожлантириш йўлида ахборот-кутубхона муассасалари, ўқув юртлири, архив, музей каби ташкилотларнинг амалий ҳамкорлигини янада фаоллаштириш зарурлигини қайд этди.

Анжуманда ахборот-кутубхоналар ва ахборот-ресурс марказлари иштини такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқий фаолиятини янада яхшилаш, электрон кутубхоналар ташкил этиш ва ягона интеграллашган ахборот-кутубхона тизимини яратишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ЎЗА ВА МАХСУС МУХБИРЛАРИМИЗ МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ.

Инновацион технологиялар

таълим-тарбия мазмунини янги босқичга кўтаради

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети қошидаги академик лицейда «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнига инновацион технологияларни татбиқ этиш масалалари» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Унда хорижий давлатларнинг етакчи олимлари, республика мизининг мазкур соҳада илмий тадқиқот олиб бораётган профессор-ўқитувчилари, малака ошириш марказлари ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари раҳбар ходимлари, амалиётчи педагоглар ўзаро фикр алмашилди.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими раҳбар ва педагог кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимида таълим-тарбия мазмунини янги босқичга олиб чиқиш ҳамда таълим самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш ҳамда қўзланган конференция қизгин мунозара билан бошланди. Маърузаларда малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида ижтимоий-педагогик шарт-

шароитлар, таълим-тарбия мазмунини янгилаб бориш жараёнида замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, ўқув муассасаларида савол-жавобга асосланган таълим жараёнига ўтиш, битирувчиларда тадқиқотчилик ва меҳнат бозорига иш ўрни яратиш қобилиятини шакллантириш, мустақил таълим олиш дастурларига кенг ўрин бериш каби тақлиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди.

Қўннинг иккинчи ярмида иштирокчилар шўбаларга бўлинган ҳолда баҳс-мунозараларни давом эттиришди. Унда тингловчилар билимининг баҳолаш технологиялари, инновацион технологияларни қўллашнинг педагогик-психологик жиҳатлари, ишлаб чиқариш таълими устларининг малакасини оширишда амалиёт жараёнини ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш, таълим муассасаларининг электрон кутубхоналари корпоратив тармоғини яратиш, тизимда масофавий таълимдан фойдаланиш имкониятлари каби мавзулар атрофида фикрлашилди.

Қурбонбой МАТКУРБОНОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Ҳуқуқ билимдонлари сараланди

Пойтахтимиздаги 102-умумтаълим мактабида «Ҳуқуқ билимдонлари» танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Танловнинг қўйи босқичларида ғолиб бўлган мактабларнинг 55 нафар, Халқ таълими вазирлиги тасарруфидоги таълим муассасаларининг 15 нафар ўқувчиси беллашувда иштирок этиб, бош Қомусимиз мазмун-моҳияти, миллий қонунчиликимиз, ҳуқуқий соҳадаги ислохотларга оид билимларини уч шарт — тест, савол-жавоб ҳамда саҳна кўриниши асосида намойиш этдилар.

— Ўқувчилар ҳуқуқий билимларни пухта ўзлаштиришган, — дейди Чилонзор туманидаги 138-умумтаълим мактаби ҳуқуқ фани ўқитувчиси, ҳайъат аъзоси Шерзод Бекжонов. — Саҳна кўринишларида гихёвандлик, турли ёт ғоялар тарғиботи, одам савдоси каби салбий иллатлар кўтариб чиқилди.

— Жамоамиз тест ва оғзаки саволларга яхши жавоб бериш-

ди. Саҳна чиқишида вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш омилларини кўрсатди. Беллашув ҳуқуқий саводхонлигимизни анча оширди, — дейди танлов иштирокчиси, Ҳамза туманидаги 244-мактаб ўқувчиси Барно Холиқова.

Танлов якунида Юнусобод тумани жамоаси ғолиб бўлиб, республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Илҳом ЖўРАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

Проректорлар ўқуви ташкил этилди

Тошкент давлат шарқшунослик институтида республика олий таълим муассасаларининг ўқув ишлари бўйича проректорлари иштирокида ижро интизомини қўлайтириш ва бошқарув тизимини янада такомиллаштиришга бағишланган уч кунлик махсус ўқув-семинар ўтказилди.

Олий таълим тизими олдига қўйилган устувор вазифалар, проректорларнинг касбий фаолияти самарадорлигини ошириш, таълим-тарбия жараёнини замонавий педагогик ҳамда ахборот-технологиялари билан бойитиш каби масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Бош прокуратура, Давлат тест маркази, Тошкент давлат юридик университети мутаассиди ходимларининг маърузалари тингланди.

— Ўқув-семинар давомида олий таълим муассасаларини аттестация ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби, аниқланган камчиликлар ва уларни бартараф этиш йўллари тўғрисида асосли тақлиф, фикр ва мулоҳазалар билдирилди, — дейди Олий ва ўрта махсус касб-хунар таълимининг ривожлантириш маркази бўлими бошлиғи Аминжон Мавлонов. — Шунингдек, персонални бошқариш, бошқарув тамойиллари, тизимлаштирилиши, давлат аттестацияси, малакавий амалиёт, битирув-малакавий ишлари, магистрик диссертациялари баҳолашнинг масалалари бўйича ҳам батафсил фикр юритилди.

Маърифат ТЕМУРЗОДА,
«Ma'rifat» мухбири

Ўқувчилар лаёқати ўрганилди

Мирзаобод туманидаги 30-мактабда 9-синф ўқувчилари таълимнинг кейинги босқичига қамраб олиш масаласига бағишланган семинар ўтказилди. Тадбирда туман ХТМФМТТЭ бўлими мутахассислари, умумтаълим мактабларининг амалиётчи-психологлари ҳамда битирувчи синф ўқувчилари иштирок этди.

— Семинар доирасида 1-, 4-, 5-, 7-, 8- ва 9-синфларда ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириб боришга қаратилган очик дарслар, 4-, 8-синфларда тарбиявий соатлар ташкил этилди, — дейди туман таххис маркази раҳбари Юлдуз

Анорбоева. — Ўғил-қизларнинг қизиқиши, лаёқати ва қобилиятини аниқлаш мақсадида малакали мутахассислар томонидан психологик тест ва сўровнома ҳам ўтказилди.

Тест ва сўровнома натижалари амалиётчи-психологлар

ёрдамида таҳлил қилиниб, ўғил-қизларни касбга йўналтириш ишлари самараси, ўқувчиларни таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олишнинг бугунги ҳолати ҳақида аниқ хулосага келинди ва галдаги муҳим вазифалар белгилаб олинди. Худди шундай семинар Сайхунбод туманидаги 26-умумтаълим мактабида ҳам бўлиб ўтди.

Бойжигит АБДУЛЛАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

Ижодкорлар билан учрашув

Шайхонтохур туманидаги 20-мактабда шoir ва ёзувчилар билан ижодий учрашув ўтказилди.

Тадбирда Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, эл ардоғидаги санъаткорлар, ўқитувчи ва ўқувчилар иштирок этди. Ватан, она, меҳр-муҳаббат мавзусидаги шеърлар ўқилди. Ўқувчилар ҳам шу мавзулардаги шеърлардан ёд айтиб беришди.

— Чўлпоннинг «Адабиёт яшаса, миллат яшайди» деган пурмаъно ибораси бор. Дарҳақиқат, адабиёт инсон кўнглига таскин бериб, тафаккурини чархлайдиган катта куч. Бугунги ижодий кечада ушбу фикр яна бир бор



ўз тасдиғини топди, — дейди адабиётшунос олим Омонулла Мадаев.

Фуркат АЛИМАРДОНОВ

2014-yil 26-aprel, № 34 (8683)

Уқув жараёни сифатини ошириш ҳар доим мактаб таълими олида турган энг муҳим вазифалар қаторида бўлиб келган. Аммо бу масала ечимига эътибор, имконият, гамхўрлик ҳеч қачон бугунги даражага кўтарилган эмас. Айтиши мумкинки, яратилган шарт-шароитлардан оқилона, тўғри фойдалана олган муаллим ҳар бир дарс — қирқ беш дақиқани мавзуларнинг ўзлаштирилиши йўлида кафолат бўла оладиган бебаҳо вақтга айлантириши мумкин. Бунга эришиш учун эса ўқитувчи касбий маҳорат сир-асрорларини тўла эгаллай олмоғи лозим.

Навоий вилояти умумтаълим мактаблари негизидида тажриба-синов майдонларини ташкил этиш, замонавий педагог кадрларни тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Навоий давлат педагогика институтини вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан «Умумий ўрта таълим муассасаларини илмий-методик қўллаб-қувватлаш туҳсида»ги қўшма буйруқнинг қабул қилиниши бу борада қатор ибратли ишларнинг амалга оширилишига туртки бўлди. Айтиш мумкин, буйруқнинг ижросини таъминлаш учун таянч мактабларда «Очиқ дарслар» ва «Очиқ эшиклар кўни» тadbирлари ташкил этилиб, маҳорат дарслари ўтказилмоқда.

Фанлар, синфлар кесимида ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси атрофлича ўрганиб чиқилиб, кўрсаткичи нисбатан паст бўлган синфларда туман ва шаҳарлардаги илгор, ибратли тажрибага эга муаллимлар, фан методистлари, Навоий давлат педагогика институтини, вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг профессор-ўқитувчилари иштирокида шундай дарслар ташкил этилаётган. Барча сабоқлар «Очиқ дарс» деб эълон қилинади ва мактабга келган ўқитувчилар ва ота-оналар хоҳлаган муаллимнинг дарсларини кузатиб, таҳлил этишлари мумкин. Мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида дарсдан сўнг олиб борилаётган тўғрақ машғулотлари ҳам меҳмонларга намойиш этилади ва фикр-мулохазалар ўрганиб чиқилади.

Вилоят миқёсида олиб борилаётган ушбу тadbирларнинг бевосита иштирокчиси сифатида кузатишларини ўртоқлашмоқчи: «Маҳорат дарслари»да ўқувчи илк бора кўраётган ўқитувчи билан мулоқотга киришяпти ва пировардида кафолатланган дарслар ташкил этилаяпти. Қайси маънодаки, шу пайтга қадар оддий усулларда сабоқлар ўтилганда синф ўқувчиларининг ўзлаштиришида, дейлик, эллик фоиз натижа қайд этилган бўлса, маҳорат сабоғидан сўнг бу кўрсаткич камиди етмиш-саксон фоизга етмоқда. Таҳлилларда баён этилган фикрларга қўра, мазкур ҳамкорлик педагогика институтини вакили учун бўлажак ёш мутахассислар олдида яна қандай талаблар қўйилиши зарурлигини кўрсатиб, тайёрланаётган кадрларнинг билим ва касбий тайёргарлигидаги бўшлиқларни ойдинлаштириб бермоқда. Айтиш мумкин, педагоглар кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтини ҳодимлари ҳам ўқитувчи олдида қўйилаётган

талаб ва эҳтиёж нима эканини айнан сабоқлар давомида кузатиб, ўзимизга тегишли хулосалар чиқараямиз.

Мен мактабда қатор йиллар тарих фани ўқитувчиси сифатида фаолият юритганман. 2007 йилдан буён малака ошириш институтида ишлайман. Тўғриси, институт вакили сифатида «Маҳорат дарслари»ни ўтаётганим мактаб ҳаёти билан мени янада

юксак намуналарини ўрганиш, улуг' сиймоларимиз ҳаёти, фаолияти билан боғлиқ эзгу амалларни теран англаб, ифтихор этиш ҳиссини тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади.

Дарсда, жумладан, «Умидлар ёмғири» усулини қўллар эканман, аввал ўтилган мавзунини нечоғлиқ ўзлаштирилганларига эътибор қаратиб, янги мавзу атрофида қандай билим ва тушунчаларга эга бўлишни иштаётганлари билан қизиқдим. Мурожаатимга жавобан бир неча ўқувчигина «Меъморчилик, наққошлик санъати ҳақида тушунчага эга бўламиз...» деган маънода фикр билдиришди, холос. Сабоқ сўнгиди эса «Қирқ дақиқа орқага қайтасан: сиз нималарни ўргандингиз? Мавзунини янада пухта ўзлаштиришингиз учун нималарга эътибор қаратдингиз?» лозим экан? Ёки устозингиз сизга

Mahorat darslari



кин нима хотиранингизда қолди?» деган саволга жавоб ёзиб, «Умидлар ёмғири»да фикрларини баён этиши ҳам уларнинг дарсда шунчаки бифарқ ўтирмаганини кўрсатди.

мумкин...» деган хулосага келишимга асос бўлаётган. Навбатдаги тайёрлашимиз кўзда тутилган методик материалларда ана шу масалага ҳам урғу бермоқчимиз...

Ўқувчилар билан саёҳат дарслари уюштирилганда ҳам тарихий қадимжоларга йўл-йўлакчи кириб ўтиш эмас, аксинча, бу тadbирларга ота-оналарни ҳам жалб этган ҳолда кўпчиликда саёҳат маданияти, маърифатини шакллантириш ўқитувчининг яна бир масъулияти, баъзида эътибордан четда қолмаган вазифаларидандир. Зеро, саёҳатнинг бу тарзда ташкил этилиши бунёд этилган бинолардаги меъморий ечимлар, наққошлик, ганчкорлик санъатининг жозибалари, уларнинг яратилиши, умрбоқийлиги сирларидан воқиф бўлишимизга хизмат қилади. «Саёҳат дарслари»га ҳозирлик ва уни ўтказиш ҳусусида ҳам малака оширишга келаётган ўқитувчилар билан алоҳида иш олиб бориш зарурлигини «Маҳорат дарслари» кўрсатиб берди. Урни келганда бир масала ҳусусида тўхталмоқчи: Карманада Ўлкашунослик музейи бор. Унинг раҳбари Рамазон Эгамов таширф буюрувчиларга, жумладан, ушбу масканда «Саёҳат дарслари» уюштирилганда ўлкамиз ҳаёти билан боғлиқ бир-бириндан қизиқарли ва мароқли маълумотларни баён этадики, сабоқлардан сўнг ўқувчиларнинг қийинчиликларисиз, иштиёқ билан мавзуларни муқаммал ўрганишларига қўп бор гувоҳ бўлганман. Демак, музей мутахассислари билан ҳамкорлик ўрнатish масаласига ҳам эҳтиёж сезилаяпти...

Вилоятимиздаги мактабларда ушбу тadbирлар давом этмоқда. «Маҳорат дарслари» ишланмалари, тadbирлар сценарийлари, маърузалар тўплам шаклига келтирилиб, бир нусхаси мактабда, бири эса туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимларида сақланиши кўзда тутилган. Демак, тadbир давомидаги касбий маҳорат йўлида ташланган қадамлар бардавом бўлади. Қирқ беш дақиқанинг қадри ўзининг юқори баҳосини олиши йўлидаги «Умидлар ёмғири» ёғаверади.

Феруза ФАЙЗИЕВА,
Навоий вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг ижтимоий фанлар ва маънавият асослари таълими кафедраси катта ўқитувчиси

ҚИРҚ БЕШ ДАҚИҚА ҚИЙИМАТИ

Ўқувчининг олган билими, ўзлаштирган кўникмаси ва эгаллаган малакасига тенг

яқинлаштираётган. Тингловчиларга яна қандай маълумотлар беришимиз зарур эканини айнан қайноқ нуқтага келиб кўраётган, десам, муҳолафа бўлмас. Жумладан, Навоий шаҳридаги 7-мактабнинг 7-синфиди «Ўзбекистон тарихи» фанидан «Ўрта асрлардаги меъморчилик: санъат, маданият ва ислом динининг қириб келиши» мавзусида дарс ўтар эканман, бугун ўқувчи қаршисида янги сўз айтиш учун катта ҳозирлик қўрилиш шарт экани, бу борада мазкур тadbирлар муҳим ўрин тутишини ҳис қилдим. Дарс аввалида ўқувчиларнинг қизиқлигини уйғотиш ва тарих ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун вилоятдаги тарихий обидаларга виртуал «сайр» ташкил этдим. Бунда, албатта, ахборот технологияларидан фойдаланганим қўл келди. Ўқувчилар экрандаги тасвирларни кўриш бораборида овозли ёзувларини ҳам эшитиш имкониятига эга бўлишди. Такдими тугагач, уларга «Бу масканларга сиз ҳам борганмисиз?», «Саёҳат давомида нималарга эътибор қаратганмисиз?», «Нега бу қадимжолар муқаддас ва азиз саналади?» сингари саволлар билан мурожаат қилдим. Албатта, дарсликдаги мавзу доирасида ҳудудимиздаги обидалар ҳусусида алоҳида маълумотлар киритилмаган, лекин мен ўқувчиларнинг диққатини жамлаш, фанга қизиқликларини орттириш мақсадида дарсини улар, эҳтимол, неча бора ёнидан ўтган ёки атайлаб кўриш учун борган бўлса-да, шунчаки томоша қилиш билан чегараланган меъморий ёдгорликларимиз ҳусусида сўз юритишдан бошладим. Чунки ўқувчида тарихий хотирани шакллантириш учун, аввало, юртимиздаги ана шундай масканларни кўриш, ажодларимизнинг буюк тафаккури, закovati муҷассамлашган меъморий услублар, наққошлик, ўймакорлик санъатининг

яна қандай маълумотларни беришини истардингиз?» деган саволларни ўртага ташлаб, олдиндан тайёрланган, булутли осмон акси ифода-ланган манзарани ёзув тахта-сига илиб қўйдим. Ўқувчилар тарқатилган қоғозчаларга ўрганганлари, билишни иштаётганлари, мавзуга доир маълумотларни тўла эгаллаш учун нима қилишлари мумкинлигини ёзиб, жуда кўп «умид ёмғир томчилари»ни «булутли осмон ва ям-яшил замин ораси»га жойлашди. Рамзий маънода булутли осмонни дарсининг ибтидосидаги мавҳумлик, деб олсам, баҳор чечакларига бурчланган она ер билмилар ёғдусида яшарган дунё, ёмғирлар эса ўқувчиларнинг тафаккурида, кўнглида туғилган умидлар эди. «Ёмғир томчилари»ни ўқиб, таҳлил этар эканмиз, ўғил-қизларимиз мамлакатимизда азалдан меъморчилик, наққошлик, ўймакорлик, ганчкорлик сингари ҳунарлар ниҳоятда тараққий топгани, бугун ҳам уларни давом эттириш учун имкониятлар мавжудлиги, жумладан, шаҳардаги «Баркамол авлод» маркасида шу йўналишдаги тўғрақлар фаолият юритаётгани-ю, улар ҳозирча бу масканларга катнамаганларидан пушаймонлиги, ота-оналари муқаддас қадимжоларга олиб борганда шунчаки ранглар жилосидангина ҳайратланганларини, аслида, кўп нарсалар ҳусусида маълумот олишлари мумкинлигини баён этишганидан хурсанд бўлдим. Зеро, болажонларнинг билмасликларини билишгани, билишлари кераклигини тушуинганлари ҳам катта ютуғими!

Дарс давомида шу каби бир неча методларни қўладим. Олдимга катта мақсад қўйиб, унга кичик режалар орқали эришишга ҳаракат қилдим. Сабоқ жараёнида синфдаги 25 ўқувчидан 20 нафари фаол иштирок этган бўлса, қолганлари ҳам «Сиз дарсда қатнашмадингиз-у, ле-

Кайд этиб ўтмоқчиманки, бир дарсда жуда кўп методларни қўллаш ҳам ўқувчини чарчатади, чалғитиб қўяди.

Сабоқ якунлангач, ўзаро суҳбатлашар эканмиз, ушбу синфнинг тарих фани ўқитувчиси Гулчехра Орзикулова «Хар бир дарс шунча тайёргарлик, изланишлар билан ўтилса, албатта, ўқувчиларнинг ўзлаштириши кафолатли бўлар экан. Бунинг учун ўқитувчи обдон ўз устида ишлаши, бир соатлик дарсни том маънода санъат асарига даражасига етказиши зарурлигини англадим. Имконият берилса, мен ҳам сафларингизда маҳорат мактаби дарсларини ўтсам. Бу катта меҳнат, лекин самараси жуда ширин экан...», дея навбатдаги мавзуларга қандай тайёргарлик қўришини сўзлаб берди.

Институтимизга ўқитувчилар янги, илгор тажрибаларини ўрганиш, самарали иш услубларидан воқиф бўлиш, маҳоратларини ошириш учун келади. «Маҳорат дарслари» уларга нима кераклигини янада ёқинроқ кўрсатаяпти, десам, янглишмайман. Шу нуқта назардан ўзим мавзулар кесимида билмилар беллашуви, фан олимпиадаларига ҳозирлик давомида ўқитувчи ва ўқувчиларга ниҳоятда асқотадиган, ҳусусан, тарихий обидалар ҳақида кўпроқ маълумотлар берувчи методик материаллар тайёрлашни режалаштириб қўйдим. Шунингдек, такдимиотлар, таҳлиллар асосида дарсининг ўзида тарихий давлатлар ҳақида ўқувчи биллимини пешлаб, қизиқликларини ошириб, танловларга йўналтириб бориш мумкинлиги «Маҳорат дарслари»да уққан хулосаларимдан бири бўлди. Тасаввур этайлик, бир дарсда беш, иккинчисида етти, учинчисида ўн нафар ўқувчимиз қалбига фанимизга иштиёқ қалбига олиш талабини ўзимизга қўяйлик-а: ушбу тadbирлар жараёнидаги кузатишларим «Бунга эришиш

INSON QADRI – ULUG', XOTIRASI – MUQADDAS

umumta'lim muassasalarida 9-may — Xotira va qadrlash kunini o'tkazish yuzasidan tavsiyalar

Xalqimizga xos xislatlar haqida gap ketsa, albatta, qadr-qimmat, mehr-oqibat kabi fazilatlar tilga olinadi. Keksalarni ardoqlash, yoshi kattalarning hurmatini joyiga qo'yish, muhtojlarga yordam qo'lini cho'zish qon-qonimizga singib ketgan. Ayniqsa, o'tganlarni xotirlash, nuroniy otaxonu onaxonlarimiz duosini olmoqlikning ahamiyati o'zgacha.

Mamlakatimizda xotira va qadr tushunchasiga davlat siyosati darajasida e'tibor qaratilmoqda. Prezidentimizning 1999-yil 2-martdagi farmoniga binoan, 9-may — Xotira va qadrlash kuni deb e'lon qilindi. Shu yili poytaxtimizda Xotira maydoni bunyod etilib, Motamsaro ona haykali o'rnatildi. Zero, inson aziz ekan, uni munosib e'zozlamoq yo'lidagi har bir sa'y-harakat e'zgulikka xizmat qiladi. Faqat tinchlik barqaror o'lkadagina mana shunday e'zgu ishlar amalga oshadi.

2000-yil 12-mayda esa "Shahidlar xotirasi" yodgorlik majmui bunyod etildi. Yunusobod tumanidagi Bo'zsuvi kanali sohilida, Alvastiko'pri deb nom olgan jarlik o'rnida "Shahidlar xotirasi" xiyoboni, keyinchalik shu nomda muzey va jamg'arma tashkil qilingani ajdodlarga ehtiromning bir ifodasi bo'ldi.

2010-yil 12-yanvarda esa Qurolli Kuchlar muzeyi oldida "Jasorat bog'i" barpo etildi. Betakror majmuada qasamyod qilayotgan askar siymosi aks etgan bo'lib, yodgorlikni Vatanga sadoqat, mardlik va jasorat madhiyasi, el-yurt himoyachilari sharafiga qo'yilgan haykal, deyish mumkin.

Umumta'lim muassasalarida Xotira va qadrlash kuni munosabati bilan

o'tkaziladigan tadbirlar quyidagilarga yo'naltirilishi lozim:

— yoshlarni yurtimizning boy tarixi, buyuk ajdodlarimizning qahramonliklari haqida xabardor etish, shu aziz diyor ota-bobolardan bizga meros ekan, voris sifatida ularning savobli ishlarini davom ettirish lozimligini anglatish;

— el-yurtimiz taqdiriga daxidor tarixiy adolatning tiklanishini, yaqin o'tmishda kim ekanimiz-u, bugun kim bo'lganimizni hayotiy misollar orqali tushuntirish;

— fashizm va neofashizm g'oyalari-ning umumbashariy qadriyatlar, milliy urf-odatlar va an'analar kushandasi ekanini to'g'risida mustaqil fikr hosil qilish;

— tarixiy voqealardan saboq chiqarib, bugungi va kelgusi hayotimizga ongli qarashni shakllantirish.

Tadbirlarni tantanali va ta'sirchan o'tkazish maqsadga muvofiqdir. Buning uchun tashkiliy qo'mita a'zolari tomonidan chora-tadbirlar rejasini tuziladi hamda "Xotira haftaligi" (3–9-may kunlari) e'lon qilinadi. Hafta davomida o'quvchi-yoshlarga Xotira va qadrlash kunining mazmun-mohiyatini tushuntiradigan tadbirlar tashkil etiladi. Vatani sarhadlarini himoya qilish vaqtida halok bo'lgan harbiylar oilasidan, urush

qatnashchilari holidan xabar olinadi. Tadbir o'tkazilayotgan joylar, qabristonlarda hashar uyushtirilib, obodonchilik ishlari olib boriladi.

Haftalik doirasida "Inson qadri — ulug', xotirasi — muqaddas", "Bu muqaddas Vatanda azizdir inson", "Tarixiy xotirasiz kelajak yo'q", "Xotira uyg'onsa go'zaldir", "Insonparvarlik — ma'naviyat gultoji" kabi mavzularda uchrashuv, suhbat va kechalar, devoriy gazetalar ko'riktanlovini o'tkazish mumkin. 9-may arafasida tarbiyaviy soatlarni ham o'quvchilarning yoshi va dunyoqarashiga mos mavzular asosida noan'anaviy tarzda tashkil etish tavsiya etiladi.

Umumta'lim muassasalarida tuziladigan chora-tadbirlar rejasini quyidagicha mazmunda bo'lishi maqsadga muvofiq:

— mahalla fuqarolar yig'ini faollari hamkorligida nogironlar, kam ta'minlangan oilalar, yolg'iz qariyalar holidan xabar olish, ularga ko'maklashish;

— vatanparvarlik tarbiyasi doirasida oila, mahalla va ta'lim muassasasi hamkorligini ta'minlash va birgalikda tadbirlar o'tkazish;

— maktabdan va sinfdan tashqari ishlarni takomillashtirish uchun harbiy, sport-sog'lomlashtirish tadbirlarini tashkil etish, "Yosh vatanparvar" to'garagi ishining samaradorligini oshirish, "Mardlik va matonat"



darslarini o'tkazish, «Fidoiylar» klubi faoliyatini yo'lga qo'yish;

— harbiy qismlarga sayohat uyushtirish, harbiylarni o'quv muassasalariga taklif qilish, harbiy oliy o'quv yurtlari kursantlari bilan uchrashuv o'tkazish;

— Ikkinchi jahon urushi qatnashchilarini maktabga taklif qilish, ularni qutlash, o'quvchilar tomonidan tayyorlangan esdalik sovg'alarini topshirish, urush va mehnat nogironlariga yordam ko'rsatish;

— "Xotira haftaligi"ning yakuni sifatida "Inson qadri — ulug', xotirasi — muqaddas" mavzusida yoshlar o'rtasida davra suhbatini o'tkazish.

Xotira va qadrlash tushunchasi shunday ruhiy-ma'naviy qudratki, insonning insonligini anglatuvchi, uni o'tmish va istiqbol bilan bog'lab turuvchi qadriyatdir. Buni har bir o'g'il-qiz chuqur anglab yetishi zarur.

Muqaddas OMONOVA,
Respublika ta'lim markazi bosh metodisti,
Guljamila A'ZAMXO'JAYEVA,
Toshkent shahridagi 105-maktabning oliy toifali o'qituvchisi

«ВИДЕОКОНФЕРЕНЦИЯ» УСУЛИ

соғлом рақобат муҳитини шакллантиради

Меҳнат таълими дарсида ҳам илгор педтехнология ва ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш ўқувчиларнинг мавзунини ўзлаштиришини осонлаштиради.

Дарсларимда слайд, тарқатма материал, қўшимча адабиёт, кўргазмалар ҳамда мультимедиа воситаларини кенг қўлайман. Бу таълим самарадорлигини ошириб, ўқувчилар билимини мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда. Айниқса, ўқувчиларда мустақил фикр шаклланимоқда.

Мисол учун, халқ хунармандчилиги бўлимидаги мавзуларни "Зина-ма-зина" уйини орқали ўтиш ўқувчиларнинг мавзунини осон ўзлаштиришига ёрдам беради. Болалар ўзлари учун номасълум бўлган амалий санъат турларини ҳам билиб олишади. Ҳали анималар, ўқитувчи пиллаполярларга ёзилган ҳар бир хунар ҳақида қизиқарли маълумотларни келтириб ўтади.

"Кимнинг ҳосили мўл?" уйини гуруҳларга бўлинган ҳолда ташкил этилади. Гуруҳ аъзоларига икки хил шарт берилади. Доскага узун

меvasининг расмини чи-зиб, доналарини халқ хунармандчилиги турла-ри ва миллий кийим номлари билан тўлди-риш керак. Яқунда қайси гуруҳнинг узун донача-лари мўл бўлса, шу гуруҳ ғолиб деб эълон қили-нади. Фаол ўғил-қизлар рағбатлантирилади. Бу ўйин ўқувчиларни нафа-қат билимдонлиққа, бал-ки чиroyил расм чи-зиш-га ҳам ўргатади.

8—9-синф ўқувчилари-ни касбга йўналтириш мақсадида "Видеокон-ференция" усулидан фойдаланаман. Бу усул параллел синфларда ўтказилади. Ҳар икки синф ўқувчилари бир-бирига экран орқали са-вол йўллайди. Тўғри жа-воб 5 балл билан баҳо-ланади. Чорақ давоми-да баллар ҳисоблаб бо-рилади. Яқунда энг фаол синф аниқланиб, рағбат-лантирилади. Бу усул ўқувчини изланишга, ҳозиржавобликка ҳамда АКТдан тўғри фойдала-нишга ўргатади. Қола-верса, мактабда соғлом рақобат муҳитини вужуд-га келтиради. Чунки син-фи ва синфдошларини орқага тортмаслик учун бўш ўзлаштирувчилар

ҳам фаоллаша-ди. Савол тай-ёрлаш жараёни-да қўшимча ада-биётлар билан танишиб, янги билимларга эга бўлишади.

Дарс мазмунини та-рихий манбалар билан бойитиш учун "Тарихсиз келажак йўқ" шиори ости-да иш олиб бораман. Ҳар бир мавзунинг та-рихи ҳақида маълумот бераман. Шу йўл билан ўқувчиларнинг янги ма-взуга қизиқишларини ошираман. Ўз касбининг устаси бўлган шахслар билан учрашувлар таш-кил этаман. Улар ўқув-чиларни қизиқтирган са-волларга ҳаётий мисол-лар билан жавоб бери-шади. Ота-оналар билан фарзанднинг таълим-тарбияси бўйича суҳбат-лар ўтказамиз. Ўғил-қиз-лардаги яширин қобили-ятларни аниқлаш ва ри-вожлантириш учун ба-ҳамжиҳат иш олиб бо-рамиз. Истеъдодларини намоён этишлари учун уйда ва мактабда ша-роит яратиб берамиз.

Дилсора ОДИЛОВА,
Чирчиқ шаҳридаги
6-умумтаълим мактаби
ўқитувчиси

Tajriba

Адабиёт дарсини эко-логик билим, тунунча-лар билан уйғун ҳолда ташкил этиш ёшларни табиатни муҳофа-за қилиш ва унинг бойлик-ларини кўз қорачигидек асрашга ўргата-ди.

Мактаби-мизда ёшлар-нинг экологик билими-ни ошириш борасида ўзига хос тажриба

диган балиқ қани?" деб сўрабди. Тилла балиқ оғзини капла-каппа оч-ганча: «Балиқ ёйишдан умиди бор одам сувни оқава билан булғамас-лиги, ахлат ташламас-лиги керак», дебди.

Гувоҳ бўлганингиз-дек, ўқувчи муаммони аниқлаб, сабаби ва ечи-мини ҳам кўрсатаётпти.

Адабиёт дарсларида табиат мавзусидаги

рида Қуддус Муҳамма-дийнинг «Гул узиш-нинг қоидаси», Пўлат Мўминнинг «Табиат — қўшиғи», Эркин Воҳи-довнинг «Дарахтлар суҳбати», Абдулла Ори-повнинг «Ўзбекистонда куз», Хуршид Даврон-нинг «Табиат — менинг уйим» шеърларини ўқиб-ўрганиб, ўғил-қизларнинг экологик маданияти ўсиб бор-

ЗАМОНАВИЙ ЭРТАК

экологик билимларни оширади

тўпланган. Орол денги-зи муаммоси мавзусида иншолар танлови бўлди. Ўқувчиларнинг муста-қил фикрини ўқиб қувондик. Ана шундай иншолардан бирида келтирилган замонавий эртақдан парча билан сиз ҳам танишинг-а.

«Эмишчи, балиқчи чол денгиз бўйига ке-либ сувга тўр ташлабди. Тўрға ҳеч нарса илин-мабди. Умидли дунё эмасми, чол иккинчи ва учинчи марта ҳам омадини синаб кўрмоқ-чи бўлибди. Ниҳоят, тўрни тортса, кичкина-гина тилла балиқ жон ҳолатда типирчилаб турганмиш. Чол тилла балиқни қўлига олиб, важоҳат билан: «Ейила-

асарлардан ўқувчилар-нинг экологик билими-ни оширишда самарали фойдаланаман. Жумла-дан, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома», Муқимийнинг «Саёҳатнома» асари, Оаҳий ва Фур-қат ғазаллари, Мирте-мир, Усмон Носир, Абдулла Орипов шеър-лари, Чингиз Айт-матовнинг «Оқ кема» қиссаси бунга мисол бўла олади. Миртемир «Балиқ ови», «Булут», «Тўрғай» каби шеърла-рида она табиатнинг тенгсиз гўзаллигини ифодалайди.

Синфдан ташқари мустақил ўқини дарсла-

моқда. Масалан, Пўлат Мўминнинг «Табиат қўшиғи» шеърда шун-дай дейилади:

**Ўсган бир ниҳол,
Инсонга иқбол,
Роҳатдир жонга,
Гулу япроқлар.
Она табиат,
Жуда серҳиммат,
Эл бериб жило,
Асра-ардоқлар.**

Ўғил-қизлар қалби-да, аввало, туғилиб ўсган қишлоғига меҳр уйғотиш ҳам муҳим. Шу мақсадда маҳаллий ижодкорларнинг асар-ларидан ҳам кенг фой-даланаман.

Бекназар ТОШБОВЕВ,
Янгибод туманидаги
1-ИДУМ ўқитувчиси

2014-yil 26-aprel, № 34 (8683)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига биноан, етти йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган маъмур ярмарка инновацион ғоя, ишланма ва технологиялар ихтирочилари, йирик саноат корхоналари ва ишлаб чиқарувчиларнинг муштарак мақсадларига хизмат қилувчи ҳамкорлик майдонига айланиб улгурди. Ўтган вақт мобайнида ярмаркада 2000дан зиёд инновацион лойиҳа ва технология намойиш этилиб, 59,4 миллиард сўмлик 1945 та шартнома имзолашга эришилди. Бунинг самараси ўларок, 21 номдаги маҳсулотни серияли ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, 69 та шартнома доирасида янги маҳсулот ишлаб чиқаришнинг тажриба-синов намуналари тасдиқланган юртимизда илм-фан ва саноат интеграцияси жадал давом этаётганидан далалатдир.

Бу йилги ярмарканинг экспозиция қисмидан 100дан зиёд илмий, илмий-тадқиқот, олий таълим муассасалари ва тажриба-конструкторлик ташкилотларининг саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, ахборот технологиялари, фан ва

таълим муассасаларининг моддий-техник базасини муштахкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан Тошкент давлат техника университетида ташкил этилган «Энергия тежамкор ва қайта тикланувчан энергия манбалари» лабораториясида олиб борган изланишлари муҳим аҳамият касб этди.

— Бу каби ярмарка ва кўргазмалар биз, ёш тадқиқотчиларга ўз илмий изланиш ва интилишларимизни намойиш этиш, бошқа тенгдош ва устозларимиз фаолияти билан яқиндан танишиш, тажриба алмашиш имконини бермоқда, — дейди Сирожиiddин. — Юртимизда таълим,



ЁШЛАРНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИ

*“Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар”
VII республика ярмаркасида яққол намойиш бўлди*



таълим йўналишларига доир 500дан зиёд истиқболли ғоя, ишланма ва технологиялари ўрин олди. Хусусан, “Қайта тикланувчи энергия манбалари” йўналишида алоҳида бўлим ташкил этилиб, 60дан зиёд ишлаб чиқаришга жорий этишга тайёр ишланмалар намойиш этилган иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Ярмаркада узоқ йиллик тажрибага эга тадқиқотчилар қаторида ёш олимларнинг ҳам турли соҳаларга оид самарали лойиҳа ва ишланмалар билан иштирок этгани тадбирнинг ўзига хос жиҳатларидандир. Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети 2-курс талабаси Сирожиiddин Насриддиновнинг кашфиёти — кўёш энергиясидан қувват оладиган икки томонлама шаффоф экранли мобил телефон қўлқили учун қутилмаган янгилик бўлди. Таъкидлаш жоизки, иккидорли талабанинг бу натижага эришишида Президентимизнинг 2011 йил 20 майдаги “Олий

илм-фан ривожига қаратилган юксак эътиборга жавобан бир қанча изланишлар олиб бораётган. Ушбу шаффоф уяли алоқа воситаси шундай сайёра-харакатларимизнинг маҳсули. У қўллаб қўлайликларга эга. Келгусида уни юртимизда ишлаб чиқариб, миллий маҳсулот сифатида халқимизга тақдим этиш ниятимиз бор.

Экспозициядан ўрин олган ишланмалар орасида “Paxtasanoat ilmiy markazi” очик акциядорлик жамияти томонидан тақдим этилган қатор технологиялар соҳа вакилларининг эътиборини тортиди. Айниқса, чигит туқдорлигини аниқловчи акустик қурилма бўйича бир қанча саволлар берилди.

— Бу қурилма ихчам, ишлов беришга қулай, электр энергия тежамкорлиги билан ажралиб туради, — дейди “Paxtasanoat ilmiy markazi” ОАЖ бош директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Ринат Гуляев. — У чигит туқдорлигини аниқлаб, зарур сифат кўрсаткичи, синфи, техник назоратини кучайтиришга мўлжалланган. Усуна-

нинг саноатга татбиқ этилиши натижасида чигитнинг сифат кўрсаткичларини тезкор аниқлаш ва шу асосда жиҳозларнинг техник назоратини олиб бориш, операторлар ишини осонлаштириш имконини беради. Чигит туқдорлик даражасининг юқори ёки пастлигига қараб нарх белгиланади. Агар туқдорлик етти фоиздан кам бўлса, йиғирма фойзага устама тўлашиши мумкин. Бу қурилмадан пахта тозалаш корхоналари лабораториялари, ёғ-мой корхоналарида самарали фойдаланиш мумкин.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга татбиқ этиш учун Тошкент давлат техника университети тадқиқотчилари чўл озуқа ўсимликлари уруғи учун вакуумли куриткич ускуна, икки барабанли илдиэмева ювиш машинаси, буғдой намлигини тезкор усулда ўлчовчи қурилмани иштирокчилар эътиборига ҳавола этди.

— Чўл озуқа ўсимликлари уруғи учун вакуумли куриткич ёрдамида асосан озукабоп чўл ўсимликлари уруғлари, доривор ўсимликлар, полиз маҳсулотлари ва меваларни куриштиш ҳамда консервлалаш мумкин, — дейди лойиҳа муаллифи, катта илмий ходим-изланувчи Бахтиёр Кушимов.

— У электр энергияси талаб этмайди, қиздирилган мой ёрдамида ишлайди. Қурилмадан ер шўрланишининг олдини олишда самарали фойдаланиш имкони мавжуд. Масалан, шўрадошлар оиласига мансуб изень ўсимлигининг уруғи куритилиб экилганда ер шўрланишининг олдини олиш билан бирга, ўсимлиқдан чорвабоп озук сифатида фойдаланиш мумкинлиги исботланган.

Ярмаркада тиббиёт ва фармацевтикада импорт ўрнини

босувчи, экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш, турли хасталикларни эрта ташхислаш ёки оғир асоратларни самарали бартараф этиш имконини берувчи қўллаб лойиҳа ва ишланмалар намойиш этилди. Андижон давлат тиббиёт институти ўқитувчиси Мухаммадхўш Тешабоевнинг юздаги чандикли деформацияларни хирургик даволаш усули Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан патентлаштирилиб, жароҳлиқ амалиётига муваффақиятли татбиқ этилмоқда.

— Ярмаркада “Шершевский-Тернер синдроми диагностикасига молекуляр-генетик усулни татбиқ этиш” номли лойиҳам билан қатнашган, — дейди Фанлар академиясининг Биоорганик кимё институти илмий ходими Малика Мирхайдарова. — Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига қўра, чақалоқларнинг 5–10 фоизи муддатидан олдин дунёга келади. Улардан 10–15 фоизининг болалик ва ўсмирлик пайтида ўсиш суръати паст бўлиши кузатилган. Бундан беморларга ташхис қўйилган давр 13–15 ёшларга тўғри келади ва бу ёшда аниқланган ўзгаришларни коррекциялаш қутилган натижани бермайди. Биз таклиф этаётган усул шундай касалликларни эрта ташхислаш ва олдини олиш имконини беради.

Урганч давлат университети илмий ходим-изланувчи ва тадқиқотчиларининг ярмаркадаги иштироки салмоқли. Улар таклиф этаётган инновацион лойиҳалар жамиятимиздаги қўллаб соҳаларни қамраб олади. Университетнинг педагогика-психология кафедраси томонидан бугуннинг долзарб масалаларидан бири — авлодлар ўртасидаги

ўзаро зиддиятни бартараф этишга қаратилган ижтимоий-психологик сўровномаларнинг электрон пакети ишлаб чиқилди. Унинг аҳамияти ҳақида лойиҳа муаллифи, кафедра мудири Шамсия Исмоилова шундай дейди:

— Глобаллашув шароитида ёшларнинг оиладаги қадрият ва удуларга муносабатиде муайян ўзгаришлар юз бериши табиий. Улар тафаккурдаги ўзгаришларни вақтида аниқлаб, керакли ёндашув асосида фаолият олиб борсак, ота-она ва фарзандлар, катталар ва ёшлар ўртасида муштахкам кўприк ўрнатишимиз мумкин. Лойиҳада ёшларнинг психологик қарашлари, ижтимоий воқеликка муносабатини ўрганиш ва шу асосда таълим-тарбия беришга эътибор қаратилган.

Хар бир ихтиро замирида инсон манфаатларига хизмат, унга қулайлик яратиш мақсади ётади. Ўзбекистон Миллий университети магистранти Ёкубжон Мухаммедовнинг кўриш имконияти чекланганларга мўлжалланган “Тарих фанидан мактаб дарсликларининг электрон варианты” ишланмаси инсонпарварликка йўғрилгани билан эътиборни тортади.

— Ҳозирча «Ўзбекистон тарихи» фанидан 6–8-синфлар, «Жаҳон тарихи» фанидан 6-синф дарсликларининг аудио-шақлини тайёр ҳолга келтирдик, — дейди ёш тадқиқотчи. — Бу ўқувчиларнинг тарих фанига оид билимларни осон, тез ва самарали ўзлаштиришига ёрдам беради.

Уч кун давом этган ярмарка мобайнида “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланиш истиқболлари”, “Ёш олимлар ва ёш тадбиркорларни инновацион фаолиятга кенг жалб этишнинг долзарб масалалари” мавзуларида давра суҳбатлари, “Инновацион фаолиятни ахборот билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш масалалари” мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди. Шунингдек, тадқиқотчи-олимлар ва корхоналар ўртасида қўллаб ҳамкорлик шартномалари имзоланиб, илм-фан янгиликларини ишлаб чиқариш билан уйғунлаштириш бўйича қатор келишувларга эришилди.

Хайриддин МУРОД,
“Ma'rifat” мухбири

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ
олган суратлар.

Фарзандлари билан хиёбонда сайр қилиб юрган икки ёш онанинг суҳбатини эшитиб қолдим. Улардан бири боласи кейинги пайтларда йиғлоқи бўлиб бораётгани, кечалари яхши ухламай безовта бўлишидан нолиди. Суҳбатдош унга бундай вазиятда болани тинчлантиришнинг бир неча усулларини тавсия қилди. Алла айтса, бола тез ухлаб қолишини, агар ўзи алла айта олмаса, мобил телефонга ёзиб олинган алла ёки қўшиқни эшиттириш ҳам фойдали эканини маслаҳат берди. Узининг қўл телефонига ёзилган бир қанча мусиқа ва аллаларни дугонасининг телефонига кўчириб берди...

Алла замирида халқимизнинг инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳамжihatликлари улуг'ловчи эзгу кадриятлари мужассам. Алла оналар томонидан бешик ёки беланчакни тебратган ҳолда ихро этиладиган, онанинг болага бўлган меҳр-муҳаббати, орзу-умидлари, яхши ният ва тилакларини ифода этадиган қўшиқдир.

Бундай эзгу кадриятларимизни асраб-авайлаб, аждодлардан авлодларга ўтишини таъминлаб келаётган оналар кўп. Танлиқи санъаткорларимиз ижросида алланинг бир неча вариантлари қўшиқ сифатида ихро этилган ва у тингловчиларнинг олқиш-эътиборига сазовор бўлмоқда. Илгарилари бундай қўшиқларни жонли ижрода, телевизор, радио ёки аудиокўрилма орқали эшитган бўлсак, замонавий технологиялар ривожланиши натижасида бундай имкониятлар янада кенгайламоқда. Бугунги кунда аллаларни мобил телефонларга ёзиб олиб ҳам ҳоҳлаган пайтда тинглаш имкониятига эга бўлмоқдамиз.

Бироқ масаланинг яна бир томони бор.

МОБИЛЬ ТЕЛЕФОН ҲАМ ҚУШИҚ

Фан ва технология тараққий этган асримизда доимий ҳамроҳимиз ва яқин дастёримизга айланган мобил телефон орқали юмушларимизни тез ва осон ҳал қилаймиз, ундан таралаётган электромагнит тўлқин соғлиғимизга қанчалик зарар етказётгани ҳақида кўпинча ўйлаб кўрмаймиз. Унинг ўсиб-ўлғайиб келаётган болалар саломатлигига зарари янада юқори бўлишини мутахассислар бот-бот таъкидлашмоқда.

Кўзларингни пирпиратма, болакай...

Тўрт ёшли Аскаржон кўзларини тез-тез пирпиратадиган одат қиларди. Дастлаб оиласидагилар бунга эътибор беришмади. Бола-да, аста-секин ўзини ўнглаб олади, деди отаси. Бироқ боланинг аҳоли яшашлиги ўрнига унинг соғлиғи билан боғлиқ янги-янги муаммолар пайдо бўла бошлади. Унинг кўзини пирпиратадиган одати кучайди, сал нарсасида жahl қиладиган бўлиб қолди, уйқусизликдан азият чека бошлади. Шифокор унга гиперкинез ташҳисини қўйди. Бола тинимсиз мобил телефон ва компьютер ўйинига берилиши натижасида юзага келган нозуъ одат эканини айтди.

— Ота-оналар билан суҳбатлашганимизда, улар ўғли ёки қизининг зехни нихоятда ўткирлигидан, боласи бир-икки ёшлигидан буён мобил телефон, компьютер ва бошқа замонавий технологиялардан бемалол мустакил фойдаланаётганидан faxрланиб гапирди, — дейди пойтахтимиздаги 1-болалар шифохонаси неврология бўлими мудир, тиббиёт фанлари номзоди Дилором Нурматова. — Баъзи ота-оналар фарзандларига бундай виситалардан истиғанича фойдаланиш имкониятини яратиш беришадди. Бола эртдан кечгача мобил телефон, тетрис ёки компьютерда ўйнаб ўтиради. Ота-оналарнинг айнан ана шундай эътиборсизлиги болаларда ўйин-парастлик касаллигини келтириб чиқараётганини кўпчилик тушунамади. Мобил алоқадан кўп фойдаланадиган ва телефон ўйинига берилган болаларда иммунитет пасайиши, камқонлик, миёда қон айланиши бузилиши, ҳужайралар фаолиятининг салбий томонга ўзгариши, лимфа туғунларида шиш пайдо бўлиши кузатилади.

Мобиль телефондан фойдаланиш маданияти қерда шаклланади?

Халқимизда одоб-ахлоққа доир қўлпаб тартиблар шаклланган. Саломлашиш одо-

би, юриш-туриш, жамоат жойида ўзини тутиш одоби, оилавий, дўстона муносабатларда, маърака-маросимлардаги одоб-ахлоқ меъёрлари...

Ёшларда замонавий ахборот технологиялари, хусусан, мобил телефондан фойдаланиш маданиятини шакллантириш, бу борадаги тиббий билим ва дунёқарашни ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 21 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ана шу йўналишдаги долзарб вазифаларни ихро этишга хизмат қилмоқда.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 302-умумтаълим мактабида мазкур қарор ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишдим.

...Мактабда кўнғирқоқ жаранглади. Бирпасда катта зални ўқувчиларнинг қўвчоқ овозлари қоплаб олди. Танасфусдаги бўш вақтдан ўқувчилар қандай фойдаланган экан, дея кузатиб турдим. Бир гуруҳ ўқувчилар мактаб янгиликларини илинган стэнд олдида жамланди. Яна бир гуруҳ ёшлар мактаб боғига экилган нихоллардан хабар олишга ошдики. Синфда қолган уч-тўрт

ўқувчи кейинги дарсга тайёргарликка ҳозирланди. Хуллас, мобил телефон орқали мулоқот қилаётган бирорта ўқувчини учратмадим.

Мактаб директори Феруза Турсунметованинг айтишича, таълим муассасасида қарий этилган мобил телефондан фойдаланишнинг икки тартиб-қоидаларига барча рия этиши устидан доимий назорат йўлга қўйилган. Бир минг саккиз юз нафарга яқин ўқувчи тахсил оладиган мазкур таълим даргоҳида «оила — маҳалла — мактаб» ҳамкорлиги доирасида ўқувчилар ўртасида ташкил этиладиган маънавий-маърифий тадбирлар жараёнида ушбу йўналишда қабул қилинган қарорнинг мазмун-моҳияти ота-оналар, маҳалла фаоллари, ўқувчилар ўртасида кенг тарғиб этилмоқда.

Мактабда жума — маънавият куни деб эълон қилинган. Шу куни мактаб микёсида ва синфларда маънавият соатлари, турли тадбирлар ташкил этилади. Бу жараёнда ёш авлоднинг замонавий технологиялардан, жумладан, мобил телефондан фойдаланиш маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Ўқув даргоҳида шу кунларда китобхонлик ойлиги ўтказилмоқда. Унинг доирасида «Хотира азиз, қадр муқаддас», «Миллий анъана ва кадриятлар — камолот омили», «Замонавий технологиялар ва инсон маънавияти» каби мавзуларда психологлар, педагоглар ва ўқувчилар иштирокида учрашув, мулоқот, ижодий кечалар ташкил этилмоқда.

Бундай тадбирларда фаол иштирок этаётган ўқувчилар таълим соҳасида юқори натижаларга эришмоқда. Мазкур мактабда қанча олимпиадалари, давлат ва жамоат таъкилотлари томонидан ўтказилаётган турли кўрик-танловларда совринли ўринларга сазовор бўлаётган ўқувчилар сони кўпайиб бораётгани бунинг исботидир.

Фан ва техника ютуғидан тўғри ва оқилона фойдаланиш инсон камолотига хизмат қилади. Бу борадаги қоида ва меъёрларга рия этмаслик эса инсон саломатлиги ва маънавиятига жиддий зарар етказишини, мобил телефон ўйинчоқ эмаслигини асло унутмаслигимиз керак.

Баҳор ХИДИРОВА,
Ўза муҳбири

2014-yil — Sog'lom bola yili

КИТОБ ХАЙРИЯ МАРАФОНИ

Фаргона вилоятида ёшларнинг китоб мутолаасига қизиқишини кучайтириш, шу орқали уларнинг дунёқарашини кенгайтириш, замонавий билим ва касб-ҳунар сирларини пухта ўзлаштирган ватанпарвар авлоднинг тарбиялаш мақсадида ҳар ойнинг 2-ва 4-жумаси «Китобхона-қуни» деб белгиланган.

Шунга қўра, Қўштепа тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими томонидан умумтаълим мактабларида китобхонлик байрамлари, «Энг фаол китобхон оила», «Бир болага уч китоб» акцияси, «Китобим — оғиботим» каби маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда. Тумандаги 14-умумтаълим мактабидида ўтказилган «Мактаб-кутубхона-оила-жамоат таъкилотлари» хайрия марафони шудар жумласидандир.

Марафонда ушбу мактаб кутубхонасига саҳovatпеша ҳомийлар ва қатор жамоат таъкилотлари вакиллари, ота-оналар ҳамда тумандаги бошқа умумтаълим мактаблари директорлари ўнлаб бадий адабиёт ҳамда дарсликлар тақдим этди.



Суратда: Қўштепа туманидаги 14-умумтаълим мактаби ўқувчиси Садоқат Шерматова.

Ўза фотомухбири Муқимжон ҚОДИРОВ олган сурат.

ТИЛИМИЗНИ АСРАЙЛИК!

Жонкуяр олим Низомиддин Маҳмуднинг «Тилимизнинг тилга сандиғи» китобида тилининг қудрати, жозибаси кўнчаклик билан очиб берилган: «Она тили шу қадар соҳир ва илоҳий қудратки, унинг сийратига яширилган синоатларни батамом инкишоф этмок учун инсон аклининг синчилик салоҳияти оживлик қилади».

Киши нима учун ўз она тилини муқаддас деб билади? Инсон дунёга келган, илк бор энг гўзал қўшиқ — она алласини эшитди. Балки ўша онлардаёқ мурғак юракда ўз она тилига меҳр-муҳаббат қуршак отар. Тил — миллатнинг юраги. Юрак уриши, тириклик ифодаси. Тилда миллатнинг гурури, ор-номуси яшайди. Шундай экан, мўътабар тилимизнинг қадр-қимматини авайлаб-асраш муқаддас бурчимиз. Бу бурчга муносабатимиз, аввало, сўзлаётган нутқимизда ифодасини топиши керак.

Минг афсуски, ҳозир, айниқса, ёшлар орасида бу муқаддас бурчга безътибор бўлаётганлар талайгина. Уларнинг тилга бефарқлиги, беҳурматлигини нима билан изоҳлаш мумкин? Муомала маданияти, сўзлашиш одобини унутиб қўётган йигит-қизларимиз оғзидан чиқаётган айрим гап-сўзларни эшитиб, ёқа ушлайсан киши.

Нутқимизда салбий маъно билдирадиган сўзларнинг ижобий маънода қўлланишига нима дейсиз? Мисол учун, «дахшат» сўзини олайлик. Урушлар, табиий офатлар, автохалокатлар дахшат. Аммо бугун бу сўзини маъноси ўзгарди. Ҳамма нарсаси: уй, машина, кийим дахшатга айланди.

КЕНГА — КЕНГ ДУНЁ

— Вой, дугонажон-эй, тўй ташвишларини ўйлаб кўнглимга қил ҳам сиғмаяпти, — деди Нигора меҳмонга келган дугонасига.

— Ҳа, ўлсин, бу дунёнинг ташвишлари, кўнглингизни кенг қилинг, ҳаммаси ўтиб кетади, фақат юрагингизнинг сиқилгани қолади, — дея таскин берди Мухай.

Дунёда шундай одамлар борки, ҳеч қачон тушун қайфиятига кўрмайсиз ва «Бу инсоннинг умуман ташвиши йўқми?» деб ўйлаб қоласиз. Шундай қимсалар борки, доим ҳаётдан хафа, уларни кўриб: «Бутун дунёнинг қайғуси шунинг елкасига тушганми?» дея ажаблانسиз. Аслини олганда, ақбаласининг ҳам ҳаёт ташвишлари баробар, аммо улар муаммони икки йўл билан ечишадди: бири қулиб,

О'у

нинг ташвишлари тугамайди ва, албатта, ҳар қандай чигаллик охир-оқибат ечилади. Энг муҳими, ҳаётда умид билан яшаш кераклигини тан ола билган киши ютади. Унга ҳаёт ҳам табассум ҳада этади.

Кўнгли тору танг қимсалар фақат ўзини қийнаб қолмасдан, ёнидагиларга ҳам салбий таъсир кўрсатади. Ёнингдаги инсоннинг қовоғидан қор ёғиб турса, сенга ҳам ҳеч нарсаси

Боласа компьютер о'yinлари орқали қуридан фойдаланиш маъласини ошириб, энди о'yinchoq шаклидагисини ишлатишга чоғ'ланмоқда. Sovg'a қилинган ushbu матох ертага ота uchun ham ишлатилмаслигига ким кафолат бера олади?..

Tarbiya — saodat

Фарзандлар — ҳаётимиз мазмуни. Кундан-кунга қўзилиб бораётган бўйини кўриб қувонамиз, уларга боқиб «кўз тегмасин» деймиш. Ҳар айтган сўзи бизга бир олам қувонч бағишлайди. Эркалигу инжиқликларига кўз юмиб, эҳтиёжларини бажаришни бурчимиз деб биламиз. Чунки бошқалардан кам бўлишини хоҳламаймиз. Лекин фарзандларимиз бунга муносиб жавоб қайтараяптими? Бу ҳақда ўйлаб кўрдикми?

Дўкондаги воқеа

Бир куни ўйинчоқ дўконига кирдим. Турли-туман ўйинчоқлар. Уларни кўриб ҳавасинг ортади, бир зум болага айланиб қолгинг келади. Қани, барини сотиб олиш имкони бўлса... Сотувчи ўйинчоқнинг кимга эканлиги билан қизиқди. У билан суҳбатлашиб тургандик, бир киши сотувчидан энг яхши ўқ отадиган милтиқ ўйинчоқ беришни сўради. Сотувчи харидорга ўйинчоқларни бирма-бир кўрсата бошлади. Сув пуркайдиган, овоз чиқарадиган милтиқлар харидорга унча маъқул бўлмади. Шунда сотувчи «Сизга айнан ўқ отадиган бўлиши шартми? Ундан қўра, машина совға қила қолинг», деди турли машиналарга ишора қилиб. «Эй йўқ, ўғлим ўқ отадиган ўйинчоқ олиб келишимни тайинлаган. Илтимос, қиммат бўлса ҳам ўшандайини топиб беринг», деди харидор. Воқеа нима билан тугашига қизиқдим. Сотувчи харидор айтганидек, энг катта ўқотар ўйинчоқни топиб берди. «Ҳа, худди ўзи, ўғлим роса хурсанд бўлади-да энди»,

Туғилган кундаги ҳолат

Кизининг туғилган кунини нишонлаётган қўшмн қўярда-қўймай мени ҳам уйига етакла-

БОЛАМИЗНИ ҲИМАТА УЎДАЯНМИЗ?

дея фарзандининг талаби бажарилганидан мамнун ота касса томон юрди.

Тармоқдаги қармоқ

Анчагача ўйлаиб юрдим. Нега айнан ўқ отадиган ўйинчоқ бўлиши керак? Уни ота неча ёшли фарзандига совға қилганини билмадим-у, лекин бу боланинг тарбиясига салбий таъсир этишини яхши биламан. Интернетдан маълумот олишимга тўғри келди. Уйимиз яқинидаги интернетхонага кирдим. У ер қоронғу эди. Хонадан болаларнинг «Ўлдир», «Ўлдир» деган бақирлишлари-ю автоматлар овози эшитилиб турарди. Йигирмадан ортиқ компьютерда тахминан саккиз ёшдан ўн беш ёшгача бўлган болалар тизилиб ўтириб олишган. Кўнчилиги эса наваб кутиб турарди. Мен энг ёш ўйинчининг ёнига бориб ўтирдим. Экранда милтиқ қўтарган бир одам олдида чик-чакларни гоҳ пичоқлаб, гоҳ ўқ отиб ўлдирарди. Ўлган одамдан эса қон сачраб кетарди. Бунда ҳақиқий ўлиш тасвирини кўриш мумкин. Болалар завқланиб, янада қатқонлик билан ҳаракат қилардилар. Компьютерни ишлатаётган, гоҳ ўридан туриб, гоҳ ўтириб олардилар. Ёнимдаги боланинг моҳирлигига қойил қолса арзийди. Бир зумда бариқчан ер билан яқсон қилиб, биноларни ҳам портлатиб кетарди. Қўлидаги қуролларни эса қадастлик билан алмаштирарди. Уни чапғитишга уриндим.

Бу қандай ўйин эканлигини сўрадим. Бола экрандан кўзини узмасди. Теласида уни кузатиб, йўл-йўриқ кўрсатиб турган шеригига «Сен тушунтириб юбор», деди. У ҳам экрандан кўзини узмасдан «Контрстрэйк», деди. Уларни яна саволга тутдим:

— Нега ҳамманинг компьютерида шу ўйин? Болалар менга ғалати қараб қўйишди.

— Биз сетъ орқали бир-биримиз билан ўйнаймиз, — деди бири тўнг оҳангда.

Шериги билмаслигимдан ачинибми ёки ўзининг билангиллигини кўрсатиш учун менга ўйинни тушунтириб кетди:

— Мана, қаранг, бу кетаётган одам анови компьютерда ўтирган бола, буниси — мана бу ерда ўтирибди, бу эса биз, — деб экрандаги жон саклаш учун у ёқдан, бу ёққа югуриб юрган одамларни ва ўйнаётган болаларни бирма-бир санади. Ёнимдаги бола нихоят маррага етди. У барча одамларни бир бошдан «ўлдириб», «ғолиб» бўлди. Рўпарасида ўтирган болага қараб: «Сени зўр ўлдирдим-а, қойилмисан?!» деди. Мағлуб эса бунини қандай уудаланигини сўради. «Сен ҳам мана бу автоматдан фойдалан, менда бунинг ўйинчоғиям бор. Дадамга айт-

ди. Дастурхон ноз-неъматларга тўла. Стол атроридида жажжи ўғил-қизлар байрамга монанд кийинишган, ўзларини худди катта одамлардек туттишарди. Бунини кўриб «Бугуннинг боласи-да», дейман. Мен ҳам улар қатарини жой олдим. Бир маҳал қўшмн (қизалоқнинг онаси) шампан виносини шишаси шаклидаги ичимликни олиб келди-да, болаларнинг стаканларига қўя бошлади. Аввалига тушунмай, қараб туравердим. Болаларни кузатаман. Улар ўргатиб қўйилгандек жим ўтиришарди. Стаканлар тўлган, она «Ким гапирди?» деди. Ўзига оро берган бир қизалоқ ўриндан туриб, дона-дона қилиб тилак билдирди. Кетма-кет айтилган сўзлардан кейин стаканлар бир-бирига қўқиштирилиб, сўнгра ичилди. Мен эса ўзимни катталар даврасига тушиб қолгандек сездим. Боғий идишдан кўзимни узолмасдим. Маша билан маймоқ айёқ расми тўширилган шампан виносини шишасининг ўзгинаси. Ҳайратимни яширолмай, қўшмидан бу қандай ичимлик эканлигини сўрадим. Менга жиймайиб қараган қўшмн «Нима, замондан орқада қолганмисиз? Кўркманг, бу газланган ширин сув, сизга ҳам қўйиб берайми?» деди.

Ҳайрат, дедим. Мен ўйлабманки... қўшмн оғзимдаги гапни илиб кетди. «Қизимга бунини дадаси совға қилди. Ўтган кун дугонасиникида худди шундай ичимлик ичишган экан, қизим айнан шунақасидан олиб келинг, дебди...».

Қўшмннинг гапида жон бор экан. Мен замондан анча орқада қолибман, чоғи. Савдо дўконларида бу ичимлик қўнайиб кетибди. Нега айнан шампан виносининг идиши?! Раста ёнида турганимда сотувчи қиз: «Шундан олассизми, берайми?» деди. Пайтдан фойдаланиб ичимликнинг қандай сотилаётганини сўрадим. У «Байрамлар арафасида роса сотилади, бошқа пайтлари ҳам олишади», деди. Демак, бу ичимлик анча оммалашиб улгурган. Болалар нима сабаб билан «шампан» ичишини яхши билади. Базмми? Демак, шу хил ичимликни ичиши керак! Бу билан боламиз нимага ўрнашапти-ю, биз уларни нимага ундаяпмиз? Тўғри, ҳар ким ўз имконияти даражасида боласининг туғилган кунини нишонлайди. Болаларнинг одоб саклаб ўтириши ҳам қўнғилдагидек. Аммо стаканларни қўқиштириб, ўзларини шампан виносини ичаётгандек туттишлари тарбияга таъсир этмайdimи?..

Ниятимиз — ҳар бир совға боланинг тарбиясига ижобий таъсир этсин. Шундагина ҳақиқий совға бўлади.

Феруза ХОЛМУРОДОВА,
«Ma'rifat» муҳбири

Инновацион фаолият, турмуш тарзи, ижтимоий ҳолатга тааллуқли ахборот оқимининг тобора жадаллашуви бугун маълумотларни тезкор қабул қилиб, таҳлил этиш, қайта ишлаш, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хулосалаш ҳамда таълим олувчига етказиб бериш суръатини оширишни тақозо этмоқда. Юртимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар шу каби муаммоларнинг ечимига қаратилган бўлиб, ўқув жараёнида илгор педагогик технологияларни қўллаш тажрибаларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва яқин истиқболда бу тажрибалардан узлуксиз таълим муассасаларидаги ўқув жараёнларида фойдаланишни кўзда тутди.

Президентимизнинг 2012 йил 28 майдаги «Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида ҳам таълим жараёнида илгор педагогик услуб ва технологиялар, ахборот-коммуникация воситалари, электрон таълим ресурслари ва мультимедиа тақди-

аммо оддида педагогнинг ўзини йўқотиб қўйишини ҳам мисол қилиб келтириш мумкин.

Муаммолар инновацион фаолият бошланишига сабаб бўлиши учун педагогда ўз услубларидан қониқмаслик ҳисси уйғониши, яъни ташқи омиллар ички омилга айланиши лозим. Шу билан бирга, педагогдан ўзини танқидий нуқтаи-назардан баҳолаш ва бунинг учун ундан кенг дунёқараш, психологик-педагогик

Jarayon

ўрнига янги технологияларнинг кириб келиши ўқув жараёнида самарадорликни оширишга имкон беради.

Илмий адабиётларда «педагогик технология» иборасига турлича таъриф берилади. Хусусан, ЮНЕСКО томонидан қуйидагича таъриф берилган: «Педагогик технология — техника ресурслари, одамлар ва уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда таълим шакллари оптималлаштириш вазифасини қўйчи, ўқитиш ва билимларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини яратиш, қўллаш ва аниқлашнинг тизими методидир».

Бошқача қилиб айтганда, технология педагогика ва методиканинг воситаларини, фан ва таъ-

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ

Масофадан ўқитиш тизими компьютер ва телекоммуникация технологиялари асосланган бўлиб, энг яхши анъанавий ва инновацион усуллар, воситаларни ўзида мужассамлаштирган таълим олиш тизими ҳисобланади. У XXI асрда жамият ва таълимни ахборотлаштириш жараёнининг объектив ҳосиласи сифатида таълим олишнинг илгор, юқори самарадорликка эга тизими сифатида ҳаётимизга кириб келди.

Масофа-

Fikr

вий таълим муайян мақсадга йўналтирилган интерактив синхрон жараён ҳисобланиб, бунда таълим тизимининг объект ва субъектлари ўзаро боғлиқ бўлади ва улар орасидаги масофа унча аҳамият касб этмайди. Таълим жараёни махсус педагогик тизим асосида олиб борилади. Унда аудио, видео маълумотлар, видеоанжуман, интернет, электрон почта ва электрон дарсликлар муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистонда масофадан ўқитишни ташкил этишда телекоммуникация технологияларининг ўрни ва аҳамияти, бунда фойдаланиладиган интернет технологияларининг ривожланиш тенденциялари, дастурий таъминот интерфейсларини мустаҳкамлаш ва минималлаштириш, қидирув тизимларини ривожлантириш, жамоавий ва гуруҳда ўқитишга мўлжалланган воситалар тизимини яратиш, "e-Learning" ва "e-Teaching" тушунчалари, интернет технологияларидан фойдаланиб яратилган масофавий ўқитиш курслари муҳим аҳамият касб этади.

Масофадан ўқитиш курси бошқарувчи, ўқитувчи, техник мутахассис, тингловчи, психолог, муаллиф ҳамкорлигида олиб борилади. Операцияни бажариш эса таянч сигнал орқали амалга оширилади. Улар эллиқдан зиёд бўлиб, компьютерни ишга тушириш, матн териш ва принтердан чиқариш, интернетга боғланиш ва маълумотлар тўплаш, электрон дарслик ва мультимедиялар билан ишлаш ва бошқалардан иборат. Улар орқали компьютерда ишлашни ўргатувчилар ахборот тўплаш, жамлаш, ахборотлар банкни яратиш ва бошқа кўникмаларга эга бўлишлари мумкин.

Таянч сигналлар орқали ахборот-коммуникация технологияларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш кўпроқ самара беради, вақтни тежайди, мустақил ўрганиш учун шароит яратади.

Дилфуза АЛИЕВА,
Қизилтепа агроиктисодиёт
коллежи ўқитувчиси

ИЛГОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

ўқув жараёнида самарадорликни оширишга имкон беради

мотларидан фойдаланиш лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Таълим тизимидаги ислохотларда турли педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ва амалда қўллашга йўналтирилган фаолият муҳим ўрин тутмоқда. Унинг мураккаблиги шундаки, педагогдан психологик жиҳатдан сезиларли ўзгариш талаб қилинади. Ўқув жараёни олға силжиши учун педагог ва таълим олувчилар ҳамкорлигига асосланган янги педагогик фаолиятни йўлга қўйиш, ижодий ёндашув технологиясини ўзгартириш лозим.

Фаолиятнинг кўпгина эскирган жиҳатлари эвазига педагогнинг психологик жиҳатдан ўзгариши қийинлашади. Шу боис замонавий тажрибаларни ўзлаштириш жараёнида педагог муаммони англаб етиши, инновацион фаолиятни дастурлаб, амалга ошириши ва янги тажрибани мустаҳкамлаш каби босқичларни ўташ лозим.

Педагогик жараёнда учрайдиган айрим муаммолар вазиятларни муваффақиятли ҳал этишда ўзидан қониқмаслик ҳисси ўқитувчининг инновацион фаолиятни бошлашига асос бўлади. Тажрибалар шуни кўрсатадики, инновацион фаолиятни бошлаш учун биринчи туртки педагогик фаолиятнинг қониқарсиз натижалари, ишдаги омадсизлик ва қийинчиликлар, янги талабларга жавоб бера олмаслик каби ташқи омиллар таъсирида вужудга келади. Одатда, таълим олувчиларнинг ўқишга қизиқиши йўқлигидан қониқмаслик ҳисси асосий мотив ҳисобланади. Лекин бу ҳис ҳар доим педагогнинг инновацион фаолиятини бошлаб бермайди. Бунга бир қанча сабаблар қаторида, юзага келган му-

фан ва амалиёт натижаларини билиш талаб қилинади.

Ташқи омилларни ҳисобга олган ҳолда, таълим муассасаси раҳбарининг ижодий йўналгани ёки ҳамкасбларнинг қўллаб-қувватлаши ҳам катта аҳамиятга эга.

Амалётдан маълумки, педагоглар маълумот олишда касбдошлар билан мулоқот, матбуотдаги услубий тавсиялар ва мақолалар каби тезкор, осон қўлга киритиладиган манбаларга таянади. Шунингдек, очиқ машғулотлар, маҳорат машғулотлари, илмий-амалий семинарлар, инновацион дастурлар ҳам ўқитувчилар учун фойдалидир.

Инновацион дастурларни уч турга бўлиш мумкин: янгилаш, тўлдириш ва мукаммаллаштириш. Биринчи босқич илгари ўзлаштирилган усулларни янгиларига алмаштиришни тақозо этади. Иккинчи босқичда эса аввалги усуллар сақланган ҳолда уларга янги элемент қўшилади. Учинчи босқичда фаолиятнинг турли усулларини қўллаш орқали маҳорат оширилади.

Тажрибали педагоглар кўпинча касбий тажрибасини тубдан ўзгартиришга эҳтиёж сезмайди. Бироқ тажрибасини қисман янгиллаш, яъни ўзи билган педагогик восита, шакл ва методларни мустаҳкамлаб, таркибий жиҳатдан ўзгартириши мумкин.

Сўнгги йилларда замонавий таълим амалиётида икки йўналиш ажралиб чиқди:

1) таълимнинг анъанавий шакллари, усул ва воситаларини такомиллаштириш;

2) таълим жараёнини технологиялаштиришни жадаллаштириш.

Зеро, анъанавий усуллар

лимнинг тажрибаларини сақлаб қолган ҳолда тубдан янгиландир.

Услубият кўп ҳолларда ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан тавсиялар мажмуаси вазифасини ўтайди. Педагогик технология эса икки тамойилга асосланади:

1) технология, бу — якуний натижанинг кафолати;

2) технология, бу — келгуси ўқув жараёнининг лойиҳаси.

Ўқув жараёнини лойиҳалашни технологик даражага кўтариш ва рўёбга чиқариш педагог малакасини ошириб, шахсиятини юксалтиради, таълим олувчининг фаоллигини оширади ва педагогнинг ижодий ёндашуви ривожланиши учун янги имкониятлар очади.

Ўқув жараёнига қўллаш учун технология қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

1) таълим жараёнида талабга эга бўлиши;

2) «Педагог — таълим олувчи» тизимига мувофиқ келиши;

3) услубий тизимга нисбатан универсал характерга эга бўлиши.

Ўқув жараёнини моделлаштиришга тааллуқли талаблар ҳам мавжуд:

1) ўқув жараёни моделининг яхлитлиги, узвийлиги;

2) ўқув жараёнининг ахборотлашган моделини технологиялаштириш.

Ўқув жараёнининг алоҳида элементларини тартиблаш мақсадида уларни олдидан лойиҳалаш педагогик технологияларни жорий қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Абдураул ЗОКИРОВ,
Тошкент вилояти ўрта махсус,
касб-хунар таълими
бошқармасининг
бош услубчи-маслаҳатчиси

2014-yil 26-aprel, № 34 (8683)

МУКОФОТ

Юмушларни тутатиб уйга қайтаётган эдим, муюлишда ўтирган уч-тўрт болага кўзим тушди. Қизиқсиниб сўрадим:

— Қани болалар, бировни кутаяпсизларми?
— Турниёз бобони кутаяпмиз, почтадан нафақа пулини олгани кетувди, — деди болаларнинг новчароғи.

— Бобо пул олса, сизларга нима алоқаси бор?
— Алоқаси бор-да, — деди қўлида кундалик дафтар тутган қизалоқ жилмайиб, — бизлар олган баҳоларимизни кўрсатамиз, кейин у киши бизга «мукофот» беради.

— Бизларга ҳам, — деди бошқа болалар ҳам.
— Мен курашдан биринчи ўринни олдим, мана дипломим, — деди бояги новча бола.

Кўча бошида қўлида нимадир кўтарган Турниёз бобо кўринди, болалар унга қараб югуриб кетишди.

Кейин бобо ва болалар ариқ четидаги чимзорда ўтириб муҳокамага киришди. Сўнгра Турниёз бобо кўзойнагини тақиб, болаларнинг кундаликларини бирма-бир кўздан кечириб чиқарч, уларга совға улашди.

— Нега Ботир кўринмайди? — деб сўради бобо бояги қизчадан.

— Кеча тарихдан «уч» баҳо олиб қўйди, келолмайди, уялади.

— Айтинглр, янаги ойга ғайрат қилсин!

Болалар «Хўп бўлади!» деб уйларига тарқалдилар.

Мен эса Турниёз бободан бу ишининг сабабини сўрадим.

— Эй, қизиқмисиз, домла? Беш-олти минг пул қаерда қолиб кетмайди. Кейин, улар бегонамас, маҳалламизнинг болалари. Совғани қўлга киритиш учун тинмай ўқишади. Кун келиб олимми, дўхтирми, муаллими бўлишса, элга нафи тегади, рағбатда гап кўп.

Мен касб-кори оддий тракторчи бўлган қаринасиб сахийлиги ва олижаноблигига қўйил қолдим.

Ўрол КОБИЛОВ

Қамаши тумани

ЛОҚАЙДЛИК
ФОЖЕА САБАБИ

ёнига бораман. Қўлларидан тутиб поезд вагонларига етаклайман. «Эҳтиёт бўлинг, эшиклар ёпилади... Ёш болали, ногирон ва ёши катта йўловчиларга жой беринг!» деган сўзлар янграйди. Ўриндикда ўрнашган ёшларга эса бу сўзлар тааллуқли эмасдек гўё. Кимдир телефонга муккасида тушиб термулган. Кимдир шериги билан суҳбатлашмоқда, кимдир хаёл суриш билан банд. Наҳотки, бу сўзлар бекорга айтилаётган бўлса. Ёши каттароқ аёл қарияга жой беради. Кулоғига кулоқчин тутган ёки кўзини телефондан узмаётган ёшларга бу ҳолат тегишли эмасдек. Вагоннинг ҳар бурчагида «Огоҳлик — давр талаби» деган ёзув-баттиглан. Лекин ёшлар бепарво. Атрофда содир бўлаётган воқеаларга эътиборсиз. Ахир, бепарволик фожеага бошлаши муқаррар эмасми?

Наргиза УТЕПОВА,
талаба

ОИЛАВИЙ КИТОБХОНЛИК

Ўзбек оилаларида китобга муҳаббат, китобни асраб-авайлаш, китобхонлик қадимий анъаналардан. Китоб орқали халқимиз маънавий камолотга эришади.

Китобдан баҳра олган инсон борки, маънавий коммулик даражаси ҳар бир айтган сўзида акс этиб туради. Халқимизда шу анъанага эътибор кучли; дастлаб халқ шоир-бахшилари, халқ қиссахонлари оилавий давраларда, тўй-маъракаларда, зиёфат ва гап-гаштакларда қўйлаган дostonлари, айтган қиссалари, бобою бувижонларнинг ўз болаларига айтган эрталарини мароқ билан тинглаш тарзида шаклланган. Демак, тинглаш — ўқилганларни идрок этиш, тушуниб, ўзлаштириб олишнинг асосини ташкил этади. Ўз навбатида, тинглаш бутун диққатни бир нуқтага жамлашни тақозо қилган. Оилада китобхонлик асосини худди шу ўқиш ва ўқиш заҳмати ташкил этади.

Оилавий китобхонликда ташаббус ҳамиша катталар тарафида бўлган. Бунда боболар ёки бувиларнинг фарзандларга эртаққўйлиги ёки ота ва оналарнинг китобхонлиги айрича аҳамиятга эга. «Болалик кунларида, уйқусиз тунларида» буви сўйлаб берган эрталар Ҳамид Олимжоннинг шоирлик истеъдоди уйғонишига туртки берганлиги инкор этиб бўлмас

ҳақиқатдир. Абдулла Қаҳҳорнинг отаси ўқиб берган китоблар унинг илк адабий таълим олишида муҳим аҳамият касб этиб, катта ёзувчи бўлиб етишиши сабабларидан биридир. Адиб бу ҳақда «Отам китобга ниҳоятда ишқибоз бўлиб, деярли ҳар кунни ишдан кейин онамга қизиқ китоблар ўқиб берар эди... Мен сатрларни кузатиб, отамнинг ёнида ўтирар эдим», дейди.

Дарҳақиқат, ота-боболаримиз китобни шу қадар улуғ муҳаббат билан ўқиган, асраб-авайлаган, унга чинакам ихлос қўйган, китобдаги сўзни муқаддас билиб эътиқодини, иймонини мустаҳкамлаган, китобнинг мўъжизавий қудратига тан бериб, ишониб ва амал қилиб яшаганлар. Шу тариқа китобсеварлик ота-боболаримизнинг қон-қонига сингган, саводи бор ёки йўқлигидан қатъи назар, китобни қўлига олгани заҳоти уни кўзларига суртиб тавоф этганлар.

Тўғри, ҳозирги ахборот даврида оилавий китобхонликда ҳам талай ўзгаришлар содир бўлмоқда. Айримлар «Ҳозир китоб ўқиш урфга чиқди. Ёшлар компьютерга ўрганиб қолди», дейишади. Бу гапда жон бор. Аммо чинакам илм истаганлар орасида китобга ихлос йўқолиб кетишига ишонмайман.

Ёрқиной ИСРОИЛОВА

Янгиқўрон тумани

НОНДАЙ АЗИЗ

У киши маҳалламизда яшарди. Бир этак фарзандлари бор эди. Оҳори тўқилган кийимларини навбатманавбат кийишарди. Ўзини ўққа-чуққа уриб ҳам болаларининг қорнини тўйгаза олмасди. Лекин эзрилиқка юз бурмади, ҳалолликдан чекинмади. Аввал нонвойга ёрдамчи бўлди: хамир қорди, нон ёнди. Маҳаллада номи машҳур жиззали, иси димоқни қишқайтирдиган нонларнинг устасига айланди. Ниҳоят, бир этак болала-

ри билан мўъжасгина нонвойхона бунёд этишди. Бугун фарзандлари ота изидан мағрур боришмоқда. У киши набиралари, эваралари ардоғида нондай азиз инсонга айланди.

ЎЙ

Осмондаги юлдузлар кўпми ёки ердаги одамлар? Яхши одамлар мўлми ёки ёмонлар? Бойлар дунёга устунми ёки ноҳорлар... Ўйларимнинг чек-чегараси кўринмайди. Нимага бу дунёда биз тушунган ва тушунмаган жумбоқларнинг охири йўқ.

БУЮК ЗОТ

Она! Бизни ёруғ дунёга келтиради, ювади, тарайди, одам қилади. Фарзандидан эса ҳеч нарса таъма қилмайди. Бутун умр болам-чакам деб яшайди, ўзи учун яшагача келганда эса вақт етмайди...

Саҳифани Феруза ХОЛМУРОВА тайёрлади.

ЭСИЗ СЎЗ, ЭСИЗ
ҚЎШИҚ

Телевизор орқали ҳар куни намоиш этилаётган рекламаларга сабр қилса бўлар, жилла қурса, ундан бирор товар ёки маҳсулот ҳақида маълумот оласиз. Аммо экранда турган-битгани алмоий-алжойи сўзлардан иборат қўшиқлар айлантрилаверса, «ойнаи жаҳон»ни синдириб ташлагингиз келади. Лекин телевизор арзон матоҳ эмас. Қаранг, буюм ҳақида ўйлапмиз-у, аммо ўша қўшиқлар маънавий оламимизни издан чиқаришини хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Айрим замонавий эстрада ижрочилигида кимларгадир кўр-кўрона тақлидни кўриш мумкин. Қўшиқларнинг мазмун-матни шарқона одоб-ахлоқ меъёрларидан узоқлиги ачинарли. Беўхшов қўшиқлар, бачкана хатти-ҳаракатларда тез-тез ўталдиган лавҳалар томошабинни чарчатади. Баъзи ёш хонандалар шевага хос талаффуздан беҳижолат фойдаланишаётгани тингловчиларнинг ғашига тегмай иложи йўқ. Енгил-елпи, тумтароқ оҳанглари ҳосил қилиш учун баъзи сўзларни атайлаб бузиб-қоритириб талаффуз қилишмоқда. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: асл, умрбоқий қўшиқнинг моҳиятини нима ташкил қилади? Шубҳасиз, сўз ва ана шу сўзнинг моҳиятида мужассам бўлган мазмун. Аммо, афсуски, кўпгина хонандалар бу масалага бепасандлик билан қарашмоқда. Улар учун муҳими — «оҳанг». Тўғри, кулоққа хуш ёқувчи оҳанглр асири бўламиз, аммо қўшиқда ишлатилаётган сўз ва жумаларнинг ҳалдан ташқари «турмаъно» ва «сер-жило» эканидан ажабланасиз.

Муסיқа — руҳ озиғи, дейишади. Дарҳақиқат, яхши қўшиқ, яхши муסיқа дилларга ором беради. Унинг сурурбахш лаззатидан қалблар таскин топади. Ҳақиқий санъат эса қуёш янглиғ хузурбахш нурларини таратаверади. Фақат ана шу нурдан баҳраманд бўлиш ёки бўлмаслик, сизу бизнинг ўзимизга боғлиқ, азизлар.

Шохрух АБДУРАСУЛОВ

КЎЗЛАР

Кўзлар. Кўзлар ёлғон сўзламайди, дейдилар. Афсус, баъзида кулиб турган, илтижоли боқайтган кўзлар ортида ҳам қабоҳат, ёмонлик, разиллик яшириган бўларкан. Ҳатто кўзлар ҳам алдаркан...

САБОҚ

Ҳаёт — энг катта устозим. Ўрганганим, ўрганаётганларим кўп. Гоҳо яхшини ёмон, ёмонни яхши кўрганла-

НАСР ПАРЧАЛАРИ

римнинг «таъзир»ини, сабоғини ола-йяман...

КЎЗГУ

Янги кийим олсак, дарҳол кўзгудан ярашган ёки ярашмаганига қараймиз. Ёқмаса, бошқа либос танлаймиз. Юзимиз, кўзимиз, ташқи кўринишимиз чиройли бўлиши учун кўзгудан кўзимизни узмай, камчиликларни тўғрилаймиз. Шунинг учун ҳам кўзгунинг синиши яхшилик аломати эмас, деган ирим-сиримлар бордир, балки.

Инсон ички дунёсини кўрсатувчи кўзгу бўлса, қандай яхши эди-я! Ҳаммамиз кўзгуда ички оламимизни хунук кўришдан уялиб, тартибга солиб юрармидик, феълимизни ўзгартириб, кўнгиллариинг оғришига сабабчи бўлмасмидик...

Ирода ТУРДИЕВА

Мутафаккирлардан бири шундай деган эди: «Шундай инсонлар бўладики, улар худди «ноль»га ўхшайди, олдин рақам қўймасанг — ҳеч ким. Рақам бу уларнинг статуслари. Ва шундай инсонлар ҳам борки, ҳатто хотираси ҳам йиллар давомида фахр-ифтихор тарапти туради». Бу қарама-қарши таърифларнинг иккинчиси умр сонияларини меҳнат билан «қаралаб», ҳаётини кибрдан «айириб», изланишларини «қўпайтириб» яшаган, илмдан ўз «бахт формуласи»ни яратган инсон, сонлар назарияси ва ҳисоблаш математикаси соҳаларининг йирик мутахассиси, физика-математика фанлари доктори, профессор Маъруф Исроиловга жуда ярашади. Чунки у умр йўли давомида математика фани сир-синоатларини ўрганди, уларни ўзининг қатор илмий ишлари, илмий ва оммабоп мақолаларида баён этди. Таъриба ва маҳорат мактаби асосида ёшларда математик маданият ва тафаккурни моҳирона шакллантира олди.

Олимнинг дастлабки «Ҳадлар» тез ўсувчи йиғиндилар учун Тарри муаммоси ва унинг эргодик йиғиндиларга татбиқи» мавзусидаги илмий иши ўз даврида мазкур соҳа ривожланишига катта улуш бўлиб қўшилди. М.Исроиловнинг аспирантлик даврида эришган

ушбу муваффақияти кўплаб илмий кашфиётларининг дебочаси эди. Шундан сўнг Маъруф Исроилов биринчилардан бўлиб умумий сонли кетма-кетликлар учун Тарри муаммосини текширди ва уни эргодик йиғиндиларни ўрганиш учун қўлади. Натижада венгер математиги П.Эрдешнинг бирликлари айлана устида кўпхадлар модули максимумининг қўйи баҳоси ҳақидаги муаммосини исботлаб берди.

Йилма-йил тажрибаси ошиб, шашти ва гайрати ўсиб борган



лаш математи-касида асосий дарслик сифатида қабул қилинган, у 2009 йили Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ташкил этилган «Энг яхши дарслик» танловида ҳам ғолиб бўлди.

Устоз айнан шу йўналишда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети талабаларига дарс берар экан, ўзини моҳир педа-

УМРИНИ ИЛМИ БИЛАН БЕЗАГАН ОЛИМ

олим замонавий математика сир-асрорларини ҳам «фош» этишга киришди. У илк бор ҳадлар сонни ўсувчи бўлган аддитив масалаларни тўлиқ текширди ва натижада ҳадлари полиномлардан иборат бўлган Варинг муаммоси ва Гильберт-Камке муаммосида асимптотик ёйилмаларни излаб топди. Умумий кўринишдаги чиққил Диофант тенгламалар учун аниқ формула ҳосил қилди ва ушбу формула академик С.Л.Соболевнинг инвариант кубатур формулалар назариясида

ўз татбиқини топди. Шу билан бирга, М.Исроилов кўп ўлчовли сфералар устида бундай формулалар куриш ва текширишни соддалаштирди. Истеъдодли олимнинг Риман дзета функцияси ва Дирихленинг бўлувчилар муаммосига доир илмий изланишларининг натижалари хорижлик мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди.

Олимнинг ўзбек тилида ягона бўлган икки қисмдан иборат «Ҳисоблаш методлари» дарслиги мамлакатимиз олий таълим муассасаларида ҳисоб-

го ва соҳанинг етук мутахассиси сифатида намоён этди. Олим 1972 йилдан бошлаб Америка математика жамиятига аъзо ва «Математика ревю» халқаро журналининг экспертларидан бири саналар эди. 1967—1995 йилларда ЎзФА кибернетика ва математика институтларида «Сонлар назарияси методларининг ҳисоблаш математикасига татбиқлари» бўйича Тошкент шаҳри миқёсидаги илмий семинарининг асосчиси ва раҳбари бўлди. 1995 йилдан бошлаб

СамДуда «Анализнинг таркибий методлари» номли янги илмий семинар ташкил қилди. Қадрли устознинг шогирдлари, издошлари бугунги кунда республикамизнинг турли тармоқ ва соҳаларида, шунингдек, хорижий мамлакатларда муваффақиятли ишлаб, устознинг ишлари давом эттириб келишмоқда.

Устоз китобни, адабиётни севар эди. Китоб жавонларида беш мингдан ортиқ китоблар мавжуд бўлиб, Имом Бухорий, Саъдий Шерозий, Жалолиддин Румий, Алишер Навоий, Абу Райхон Беруний, қадимги юнон ва хитой донишмандлари ҳамда бошқа алломалар, шоиру ёзувчилар ижоди билан яхши таниш эди. Уларнинг асарларини севиб мутолаа қиларди.

Олимлар ўзларидан кейинги авлодга бебаҳо неъмат — илм-маърифатни мерос қолдирадilar. Маъруф Исроиловнинг ҳам ортида илм-фан йўлида қилган хизматлари, эл-юрт қорига ярайдиган фарзандлари ва шогирдлари қолди.

РА.АЛОЕВ,
физика-математика
фанлари доктори,
профессор,
Х.МУЗАФФАРОВ,
физика-математика
фанлари доктори

Ҳаётини келажақ авлодининг қамоли йўлида сарфлаган

Elda aziz

КУЮНЧАК УСТОЗ

«Кексайганда ортага қарасангиз, мамнуният ҳисси кўнгилга югурса, демак, умрингиз самарали, мазмунли ва кўнгили истагига ўттибди», деган эди бир машҳур файласуф. Албатта, инсонни қуршаган муҳит, яъни ёнидаги ёру дўстлар, ҳамроҳлар ҳам ҳаёт йўлида муҳим аҳамиятга эга. Устознинг илми ва амали, инсоний фазилатлари ўқувчига кўчади. Бу эса шогирднинг ҳаёт йўлларида асқотади.

Фахрий педагог Абдулатиқ Абдушохидов иш фаолиятини бошлаган илк кўнларданок болалар таълим-тарбиясига жиддий эътибор қаратди. У Қуйи Чирчиқ туманидаги 4-мактабда ўқувчиларга она тили ва адабиёт фанидан сабоқ бераркан, уларни фанга қизиқтирар, ўзбек тилининг бой ва гўзаллигини тушунтирар, буни мурғак қалбларга сингдирарди.

Устоз 48 йиллик педагогик фаолияти давомида мактаб директори, илмий бўлим мудирини лавозимларида ишлаб, доимо ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилди. Мактабдаги муҳитни яхшилашга, камчиликларни вақтида бартараф этишга интилди.

Бугун Абдулатиқ Абдушохидов элу юрт орасида алоҳида ҳурмат-эътиборда. Унинг меҳнати бесамар кетмаганини Ватан тараққиётига ўз хиссасини қўшаётган шогирдлари, ота изидан бориб устозлик мақомига етган фарзандлари қамолда кўриш мумкин.

— Устоз сеҳнли, илм олишга қизиқувчан ўқувчиларни қадрлайди, — дейди Тошпўлат Ортиқбоев. — Мактабни битириш арафасида оилавий шaroитимиз яхши бўлмай, институтга ҳужжат топширгани бориш учун ҳатто йўлкарага пул чиқмай қийналиб юрган кезларим Абдулатиқ ака Тошкентга етаклаб келди... Ўша кунларни сира ёдимдан чи-

қармайман, имтиҳонларни аъло баҳога топшириб, педагогика институти талабаси бўлдим. Устознинг хурсандчилиги ичига сигмас, «Менинг шогирдим-да!», деб ҳаммага мактанарди. Мен ҳам у кишининг изидан бориб, она тили ва адабиёт фани ўқитувчилигини танладим. Англадимки, устознинг куюнчақлиги шогирдлар қамолда муҳим ўрин тутарди. Қирқ йиллик иш таърибасига эга ўқитувчи сифатида айтиш мумкинки, Абдулатиқ ака касбини чин дилдан севадиган инсон, эл учун хизмат қилишдан чарчамайдиган педагог.

Абдушохидовлар хонадонини ўқитувчилар сулоласи дейиш мумкин. Фарзанд набиралар ота касбининг баракали эканини яхши билишади. Тўртала фарзанди педагогик касбини танлаган. Уч келини, икки нақибаси ҳам шу соҳанинг бошини тутган.

— Абдулатиқ ака мавзунини кунт билан тушунтирарди, —



дейди Зокир Ҳамдамов. — Домла дарслирида шеърларга назардан ўқиб берар, биздан ҳам ёдлаган шеърларимизни сўрар, маъносини тушунтирар эди. Устознинг эзгу ишларидан яна бири бу мактаб ҳовлисини ободонлаштириш, бунинг учун ҳеч қачон меҳнатдан қочмаслигидир. Ҳозир ўша ниҳоллар катта дарахтга айланиб, мева бераётир.

Домла ҳозир ҳам элу юрт билан доим бирга. Ёртаю кеч кексайганига қарамай, ҳашар ё турли хил тадбирларда ёшларга бош-қош.

Бобобек МАХРАМОВ

ИБРАТЛИ ҲАЁТ

Ўсар Ҳамдамов 1954 йили Иштихон туманидаги Хина қишлоғида туғилди. Отаси Ҳамдам бобо ҳисобчи вазифасида ишлаб, оиласига меҳроқибатли Зайнаб момо билан фарзандларини ўқимишли, одобли қилиб тарбиялаб, маҳалла-қўйда обрў-эътибор қозонган. Фарзандлари ҳам эл эътирофи этакдиган инсонларга айланишди. Оиланинг тўнғичи Ўсар Ҳамдамов эса Самарқанд давлат университетини тамомлаб, ўқитувчилик касбини танлади.

Иштихон туманидаги 2-ўрта мактабда иш бошлаган интилувчан муаллим кўп ўтмай ушбу мактаб директори вазифасига тайинланди. Йиллар давомида таълим масканининг нуфузини кўтариб, жамоа ичида ҳурматга сазовор бўлди. 1992 йили 85-ўрта мактабни фойдаланишга топширишда жонбозлик кўрсатиб, кейинги фаолиятини ушбу даргоҳ билан боғлади. Устознинг юзлаб малакали шогирдлари айни пайтда масъулиятли вазифаларда хизмат қилиб келмоқда.

Ўсар ака бахтли устоз, чунки уни ҳурмат қиладиган, ўзига чин мураббий деб биладиган шогирдлари кўп. Қолаверса, ўғиллари ҳам отасининг изидан бориб, жамиятга муносиб ўринларини топишди. 2010 йили жонқуяр муаллим «Халқ таълими аълочиси» кўрак нишонин билан тақдирланди. Ўз касбига садоқати, миллат келажаги йўлидаги саяёҳ-ҳаракатлари Ўсар Ҳамдамовни бугун бир пайтлари ота-онаси орзу қилган юзи ёруғ инсонга айлантирди.

Икром СУЯРОВ

«ЯХШИЛИК УЙИНИНГ КАЛИТИ — КАМТАРЛИК»

Мактабни тамомлаганимизга қарийб ўттиз йил тўлмоқда. Ҳар гал синфдошлар йиғилганда Бекобод шаҳридаги 11-мактабда ўтган ўқувчилик давримиз, устозларимизни эслаб, яшариб кетгандек ҳис этамиз ўзимизни. Ҳар бир муаллим, авваламбор, юриш-туриши, муомала маданияти билан ўрнатилган бизга. Назаримизда, уларнинг барчаси жуда самимий, оддий, камтарин, камсуқум ва ўз фанининг билимдони эди.

Устозлар орасида она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси — синф раҳбаримиз Худойназар Сойибзаров талабчан, қаттиққўл ва адо-

латлилиги билан ажралиб турарди. Домла синфимизда ўрнатган тартиб жуда тўғри эканини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Қайсики оила ёки ташкилотда интизом бўлса,

Yodnoma

ўша жойда барака бўлади, иш унумдорлиги ошади, натижа кўзга кўринад. Айниқса, ҳар биримизнинг оиламизни, феълимизни яхши билиши, биз билан муносабатда, буни инобатга олиши ҳеч эсимиздан чиқмайди.

Яхшилиқ уйининг калити — кам-

тарлик, ёмонлик уйининг калити — такаббурликдир, дея уқтирарди устоз. Юсуф Хос Ҳожибнинг қуйидаги байтини ҳам такрорлашни хуш кўрарди: «Мол-дунёни қанча термагин — озади, тугайди. Ёзилса-чи, сўз абадий қолади, оламни кезади». Билим олиш инсонга дунё эшикларини қулфини очибга имкон беришини турли мисоллар, масаллар ёрдамида тушунтирарди.


Бугун устоз орамизда йўқ. Аммо у кишининг ўғитлари ҳаёт йўлларида доимо ёритиб туради.

Баҳодир БЕГАЛОВ,
иқтисод фанлари доктори,
профессор

2014-yil 26-aprel, № 34 (8683)

БАХТНИ ТАШҚАРИДАН ИЗЛАМАНГ

Инсон ўзини бахтли ҳис этиши фақатгина ташқи омилларга эмас, балки ўз-ўзини назорат қилишига ҳам боғлиқ. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, 50 фоиз ҳолатда бахтиёрлик наслдан-насла мерос ўтади. 10 фоизгина ташқи омиллар орқали. Хушвақт яшаш учун қолган 40 фоиз ҳолатда инсон ўз-ўзини назорат қилиши лозим. «The Times of India» нашрида Сони Любомирскининг «Қандай қилиб бахтли бўлиш мумкин?» асари асосида инсоннинг бахтиёрлик даражасини оширишга хизмат қилувчи ўн та муҳим қоидага бағишланган мақола эълон қилинди.



Бахтни ташқаридан излаш керак эмас, дейилади мақолада. Бу ички хотиржамликка салбий таъсир кўрсатади. Яхшиси, ҳиссиётларни назорат қилиш, ўз ички имкониятларини ишга солган ҳолда бахтни ҳис этиш лозим. Қолаверса, ғам-қайғуга оддий ҳодисалек қараш зарур. Унутиш қанчалик қийин бўлмасин, ғам-андуҳлар саломатликка жиддий таъсир кўрсатишини ўйлаб, салбий хотираларни ёддан чиқаришга ҳаракат қилиш керак.

Бахтли бўлишнинг учинчи сири сифатида ўз-ўзини асраш, овқатланиш тартибига риоя этиш ва жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланиш келтириб ўтилган.

Яқин инсонлар билан мулоқотда бўлиш, оила аъзолари, дўстлар билан алоқаларни яхшилаш ҳам бахтиёрлик белгиларидир. Шунингдек, инсон ўзини бошқалар билан солиштиравермаслиги керак. Атроф-муҳитдаги ғўзал манзараларга эътибор қаратиш, ўзгаларга яхшилик қилиш ва совғалар улашиб туриш, миннатдорлик билдириш ҳам мазмунли ҳаёт кечириш шартларидандир.

КУЛИНГ, ХОТИРАНГИЗ МУСТАҲКАМЛАНАДИ

АҚШнинг Калифорния штатидаги Лома Линда университети мутахассислари тажрибалар



жараёнида қизиқ ҳолатга дуч келишди. Аниқла-нишича, мустаҳкам хоти-рага эга бўлиш ва куч-ли стрессга дуч келмас-лик учун кўпроқ жилма-йиш, кулиш зарур. Кел-тирилган маълумотлар-



га кўра, ушбу одатнинг фойдали жиҳатлари кўп экан.


Калифорниялик мутахассислар томонидан олиб борилган кузатувларда 20 нафар кўнгилли 20 дақиқа мобайнида кулгилли видеоролик томоша қилди. Шундан сўнг, иштирокчилардан хотира мустаҳкамлигини текшириш мақсадида махсус тест олинди. Шунингдек, қондаги стресс гормони ҳисобланган кортизол миқдорини аниқлаш учун сўлакларидан намуна ҳам олинди. Тажрибалар жараёнида кулгилли ва қувноқ томошалар иштирокчилар хотирасини мустаҳкамлаб, стрессдан ҳалос бўлишига ёрдам берган.

Олимлар ушбу натижани организмда бахтиёрлик гормони ҳисобланган эндорфинлар миқдорининг ортиши билан изоҳлашди. Эндорфинлар инсон миясининг пўстлоқ қисми фаоллигини ошириб, хотиранинг мустаҳкамлинишига туртки беради. Кортизол гормони эса стресс даражасини назорат қилиб, инсон организмда яллиғланиш ҳолатини келтириб чиқаради.

ДУНЁДАГИ ЭНГ ТЕЗКОР ЛИФТ ХИТОЙДА

Япониянинг «Hitachi» компанияси Хитойнинг Гуанчжоу шаҳридаги осмонўпар биноларнинг бирига дунёдаги энг тезкор лифтни ўрнатишини маълум қилди. Мазкур лифт соатига 70 километр тезликда ҳаракатланиб, бор-йўғи 43 сония ичида 95-қаватгача кўтарилади.

«Hitachi» муҳандисларининг таъкидлашича, бундай натижага эришиш учун кучли магнит двигател ва энгил, аммо пишиқ сим арқонлардан фойдаланилади. Шунингдек, бундай лифтар сезувчан қурилма (датчик) ҳамда тебранишларни назорат қилувчи ускуналар билан икки баробар кўпроқ таъминланади. Катта тезликда ҳаракатланувчи лифтларнинг ўз вақтида тўхташи учун эса улар қизиқ кетишга чидам-ли тормоз тизими билан таъминланади.



Бир жуфт ўта тезкор лифт Гуанчжоуда 2016 йили қуриб битказилиши режалаштирилган «Guangzhou CTF Financial Center» бизнес маркази биносига ўрнатилади. Ушбу бинонинг баландлиги 530 метрни ташкил этиб, 111 қаватдан иборат бўлади. Иккита тезкор лифддан ташқари, бинога яна 93та олдий лифт ҳам ўрнатилиб, уларнинг 28таси икки қаватли бўлиши маълум қилинган.

С.РУСТАМОВ тайёрлади.



Ўрта денгиздаги Крит ороллари-дан 55 километр узоқликда Африка-нинг Того давлати байроғи остида сузиб юрган «АГ Марина» юк кемаси номаълум сабабларга кўра ҳалокатга учраб буткул сув остига фарқ бўлган, қўтқарув хизмати ходимлари томо-нидан тўрт нафар экипаж аъзоси-нинг ҳаёти сақлаб қолingan, кема капитани ва икки денгизчининг беда-рак йўқолгани маълум қилинган.

Конго демократик республикаси жануби-шарқидagi Катанга провин-циясида катта тезликда ҳаракат қилаётган йўловчи поезднинг бош-қаруви йўқотиб, издан чиқиб кети-ши оқибатида 30 киши ҳалок бўлган ва яна 55 йўловчи жароҳат олган.

Аргентина пойтахти Буэнос-Ай-рес шаҳри жанубида йўловчи автобу-сининг энгил автомобил билан тўқна-шувидан жароҳат олган 50 кишининг 35 нафари шифохонага ётқизилган, ҳодиса жойида 21та тез тиббий ёрдам машинаси ва 1та вертолёт жабрланганларга ёрдам кўрсатган.

Хитой ҳукумати томонидан йўқолиб кетиш афасида турган жониворларнинг 420 турини истеъ-мол ва тиббий мақсадларда овлаш-ни қатъий тақиқлаш тўғрисида қонуи қабул қилинганидан сўнг, бу каби жиноятларни содир этганлар-га 10 йилгача қамоқ жазоси тайин-ланиши ҳақида маълум қилинган.

Австралиянинг Брисбен шаҳри аэропортидан ҳавога кўтарилган «Virgin Blue» авиакомпаниясига те-гишли йўловчи самолёти бортида спиртли ичимлик истеъмол қилган йўловчининг жанжал чиқаргани оқиб-атида учувчи Индонезиянинг Бали оро-лида фаёққулдда қўнишни амалга оширишга мажбур бўлган.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбе-кистон Миллий университети маъ-мурияти ва касаба уюшмаси қўми-таси Геология факультети декани Холбой Ишбаева волидаи мухтара-маси

ГУЛҚИЗ аянинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

ОГОҲЛИК—ДАВР ТАЛАБИ

Ёши улуг қарияларимиз дуога қўл очар чоғда «Ўт балосидан, сув балосидан асрагин», дейишади. Чунки бу оғдатлар катта талафот келтириб чиқаради. Шунинг учун керакки, ўт балоси, ақсарият ҳолларда, бефарқ-лик ва эҳтиётсизлик оқибатида келиб чиқади.

Мирзо Улуғбек тумани ИИБ ЁХБ ходимларининг жойларда олиб бора-ётган тушунтириш ишлари аҳолининг ёнгин хавфсизлиги борасидаги билим-ларини оширишга қаратилган. Огоҳ-лик, ҳушёрликка давлат этишига қара-тилган чора-тадбирлар маҳаллаларда, таълим муассасаларида ўтказилаётга-ни ёнгин хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларнинг олдини олишга хиз-мат қилмоқда. Эҳтиётсизлик оқибати-да келиб чиқаётган айрим хунук ҳолатлар аянчли оқибатларга олиб келаётгани мисоллар орқали таъкид-лаб ўтилаяпти. Ҳар бир тадбир сўнги-да фуқароларга «Огоҳлик — давр тала-би» шиори остида фаолият олиб бо-риш уқтирилмоқда.

Ботир ТЕМИРБОВЕВ,
Мирзо Улуғбек тумани ИИБ ЁХБ
инспектори, кичик сержант

реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

Ҳуқуқий тадқиқотлар марказига қуйидаги лавозимларга ишга қабул қилиш бўйича танлов эълон қилади:

Давлат қурилиши ва бошқарувининг ҳуқуқий му-аммолари бўлими:
етақчи илмий ходим — 1
катта илмий ходим — 1
Бозор, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқур-лаштиришнинг ҳуқуқий муаммолари бўлими:
етақчи илмий ходим — 1
катта илмий ходим — 2
Суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш бўйича муаммо-ларни ўрганиш бўлими:
етақчи илмий ходим — 1
катта илмий ходим — 1
Танловда:
етақчи илмий ходим лавозимига илмий унвонга эга бўлган фан доктори, илмий унвонга эга бўлма-ган фан доктори, илмий унвонга эга бўлган фан ном-зодлари;
катта илмий ходим лавозимига илмий унвонга эга бўлган фан номзоди, илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди, шунингдек, илмий-тадқиқот ёки ама-лий иш тажрибасига эга бўлган магистр, Ўзбекис-

тон Республикасида Куролли Кучлар академияси, Ички ишлар вазирлиги академияси ёки Миллий хавфсизлик хизмати таълим муассасасининг ма-гистратура дипломига тенглаштирилган дипломга, магистр даражаси жорий этилгунга қадар олинган олий маълумот тўғрисидаги дипломга эга шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилиши керак:

ариза;
маълумотнома;
паспорт нусхаси;
кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
олий маълумот, фан доктори, фан номзоди дип-лом нусхалари, илмий унвон берилганлиги тўғри-сидаги ҳужжат нусхаси;
илмий ишлар рўйхати.

Танловда иштирок этиш учун ҳужжатлар эълон чиқ-қан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.

Маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй, кадрлар бўлими.

Тел.: 233-66-36 (263)

ЯНГИ НАШР БЎЙИЧА ҚАЙТА ТЕНДЕР САВДОЛАРИДА ИШТИРОК
ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

Тендер тартиб рақами: 2-MRT-ЯН-2014

Тендер номи: Дарслик ва ўқув қўлланмаларни янги нашр этиш юзасидан қайта тендер савдолари.

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.

Манзил: 100159, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй.

Молиялаштириш: Давлат бюджети ва Республика мақсадли китоб жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Мазкур тендер савдоларига дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни нашр этиш учун нашриётлар таклиф этилади.

Тендер савдоларида янги ташкил этиш (бўлиш, қўшиш ва ҳоказо), тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлмаган, давлат реестрида рўйхатга олинганга олти ой муддатдан кам бўлмаган, шартномаларни бажармаганлиги учун судга тортилмаган, дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни нашр этиш билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган ҳамда илгари вазирлик билан тузилган шартнома-

лар бўйича мажбуриятларни тўла бажара олган нашриётлар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Қатнашчи буюртмачига шартномани бажариш имконияти ва малакаси борлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши ва мазкур ҳужжатлар тендер ҳужжатининг иккинчи бобида келтирилган талабларга тўлиқ жавоб бериши лозим.

Янги нашр этиладиган дарсликлар ва ўқув қўлланмалар ҳамда уларнинг адади қуйидаги жадвалда берилган:

Лот рақа-ми	Қўлланма номи	Тили	Адади	Максимал нархи					
2-синф					11	Немис тили ўқитувчиси учун методика	барча тиллар учун ягона	2 314	3 543,0
1	Инглиз тили дарслиги	ўзбек-қардош тилларда	475 822	2 618,6	12	Француз тили ўқитувчиси учун методика	барча тиллар учун ягона	1 619	4 144,9
		рус тилида	66 792	2 791,7	6-синф				
		қорақалпоқ тилда	9 859	4 152,2	13	Инглиз тили ўқитувчиси учун методика	барча тиллар учун ягона	18 510	2 614,6
	Инглиз тили машқ дафтари	ўзбек-қардош тилларда	475 822	1 024,2	14	Немис тили ўқитувчиси учун методика	барча тиллар учун ягона	2 314	3 672,5
		рус тилида	66 792	1 243,5	15	Француз тили ўқитувчиси учун методика	барча тиллар учун ягона	1 619	4 172,0
		қорақалпоқ тилида	9 859	1 556,5	8-синф				
3	Инглиз тили ўқитувчиси учун методика	барча тиллар учун ягона	19 949	2 350,9	16	Инглиз тили ўқитувчиси учун методика	барча тиллар учун ягона	18 510	2 453,6
	Француз тили дарслиги	ўзбек-қардош тилларда	16 698	3 793,9	17	Немис тили ўқитувчиси учун методика	барча тиллар учун ягона	2314	3 617,5
		рус тилида	502	23 661,1	18	Француз тили ўқитувчиси учун методика	барча тиллар учун ягона	1619	4 237,9
	Француз тили машқ дафтари	ўзбек-қардош тилларда	16 698	1 548,1	9-синф				
		рус тилида	502	9 925,1	19	Инглиз тили ўқитувчиси учун методика	барча тиллар учун ягона	18510	2 131,3
	5	Француз тили ўқитувчиси учун методика	барча тиллар учун ягона	936	5 219,1	20	Немис тили ўқитувчиси учун методика	барча тиллар учун ягона	2314
Немис тили машқ дафтари		ўзбек-қардош тилларда	18 751	1 526,0	21	Француз тили ўқитувчиси учун методика	барча тиллар учун ягона	1619	3 490,5
		рус тилида	533	9 399,8	2-синф				
Немис тили ўқитувчиси учун методика		барча тиллар учун ягона	1 198	5 048,7	22	Русский язык	ўзбек ва қардош тиллар учун	521130	1 614,4
5-синф						Русский язык методика	ўзбек, қорақалпоқ тиллар учун	17368	2 244,6
10	Инглиз тили ўқитувчиси учун методика	барча тиллар учун ягона	18 510	2 490,4					

Тендер ҳужжатларини олиш учун талабгорлар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг махсус № 23 402 000 300 100 001 010 (ХКМ Марказий банк Бош бошқармаси МФО: 00014 ИНН: 201 122 919 ш/хр 401 410 860 262 667 950 100 075 001 ИНН: 201 122 808 ОКОНХ 97300) ҳисоб рақамига 500 000 (беш юз минг) сўм ўтказганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этишлари шарт. Тўлов юқоридаги ҳисоб рақамига тўғридан-тўғри пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Тендер ҳужжатларини олиш учун қатнашчилар томонидан тўланган тўлов қайтарибмайди.

Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ва Тендер ҳужжатларини харид этган корхона ва ташкилотлар 2014 йил 26 апрелдан бошлаб ҳар куни (шанба ва яшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат 10:00 дан 17:00 гача тендер савдоларига тегишли қўшимча маълумотларни Тендер комиссиясининг ишчи органи Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги "Дарсликлар ва ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини яратиш" бўлимидан (Манзил: 100159, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, 319-хона, телефон (+99871) 239-40-83, факс (+99871) 239-40-81 олишлари мумкин.

Тендер ҳужжатлари асосида талаб этиладиган барча ҳужжатлар таклифнинг умумий қийматининг бир фоизидан кам бўлмаган закалат суммаси (закалат сумма Халқ таълими вазирлигининг қуйидаги махсус х/р 23 402 000 300 100 001 010, ХКМ Марказий банк Бош бошқармаси, МФО: 00014 ИНН: 201 122 919, ш/хр 401 410 860 262 667 950 100 075 002, ИНН: 201 122 808 ОКОНХ 97300) ҳисоб рақамига ўтказилиши шарт ёки эквивалент суммага хизмат кўрсатувчи банкнинг қафолат хати) билан бирга 2014 йилнинг 6 май куни соат 14:00 га қадар Республика таълим марказига топширилиши шарт. Шу вақтдан кечиккан таклифлар қабул қилинмайди. Тендер таклифлари 2014 йил 6 май куни соат 15:00да Республика таълим марказида (Манзил: Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси 174-уй.) барча қатнашчилар вакиллари иштирокида очилади.

Тендер комиссияси Тендер ҳужжатининг 1 боб 6-бандида белгиланган тартибда Тендер ҳужжатларига қўшимчалар киритиш орқали таклифлар топширишнинг охириги муддатини узайтириши мумкин. Шундай ҳолда барча қатнашчиларнинг ҳуқуқлари ўзгарган муддатга мутаносиб равишда ўзгаради.

Буюртмачи қатнашчилар томонидан тендер таклифини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган харажатларга жавобгар эмас.

Халқ таълими вазирлиги 2014-2015 ўқув йили учун ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасаларининг 5-, 6-, 7-, 8-, 9-синф дарсликлари ва ўқув-методик комплексларини ишлаб чиқиш учун муаллифлар таркибини танлаб олиш бўйича
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Танловга қуйидаги дарслик ва ўқув-методик комплекслар киритилган:

Т/р	Дарсликлар номи	Таълим тили	
5-синф			
1	Математика	Таълим ўзбек тилида олиб бориладиган ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасалари учун	
6-синф			
2	Математика	Таълим ўзбек тилида олиб бориладиган ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасалари учун	
3	Физика	Таълим ўзбек тилида олиб бориладиган ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасалари учун	
7-синф			
4	Алгебра	Таълим ўзбек тилида олиб бориладиган ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасалари учун	
5	Физика	Таълим ўзбек тилида олиб бориладиган ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасалари учун	
8-синф			
6	Алгебра	Таълим ўзбек тилида олиб бориладиган ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасалари учун	
7	Физика	Таълим ўзбек тилида олиб бориладиган ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасалари учун	
9-синф			
8	Алгебра	Таълим ўзбек тилида олиб бориладиган ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасалари учун	
9	Физика	Таълим ўзбек тилида олиб бориладиган ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасалари учун	

Танлов Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган тартиб-қоидалар асосида ўтказилади.

Танловда таълим муассасалари учун ўқув адабиётлари яратиш тахрибасига ҳамда ушбу фан йўналиши бўйича тегишли олий маълумотга эга бўлган жисмоний шахслар, кадрлар салоҳиятига эга илмий ва ўқув ташкилотлари қатнашиши мумкин. Танловда қатнашиш истагини билдирган жисмоний шахслар, яъни олимлар, методистлар, ўқитувчилар ва ташкилотлар тенг ҳуқуқли иштирокчи ҳисобланадилар.

Танловда иштирок этиш истагини билдирган қатнашчилар танлов асосида янги яратилиши зарур бўлган дарслик ва ўқув-методик комплекслар концепцияси 0,5 босма табқоқча, ўқув адабиётларнинг режа-проспекти (бўлимлар ва мавзулар мазмунининг тезисли баёни, 1 босма табқоқча) ҳамда дарслик ва ўқув-методик қўлланманинг белгиланган битта бобининг намуна матнини танлов комиссиясига 2014 йил 27 май куни куни Тошкент вақти билан соат 14:00 га қадар топширишлари лозим.

Танловда қатнашиш истаги бўлган шахслар танлов ҳужжатларини 2014 йилнинг 26 апрелидан бошлаб ҳар куни (шанба ва яшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат 10:00 дан 18:00 гача қуйидаги манзилдан олишлари мумкин: Тошкент ш., Фурқат кўчаси, 174, Республика таълим маркази. Мурожаат учун телефон: 227-04-12; 245-18-50. Танлов ҳужжатлари иштирокчиларга бепул берилади.

Танлов таклифлари 2014 йил 27 май куни соат 15:00 да юқорида келтирилган манзилда барча иштирокчилар вакиллари иштирокида очилади. Танлов таклифлари очилган кундан бошлаб 90 кун ичида амалда бўлади.

Танловда қатнашиш истагини билдирган барча иштирокчилар қуйидаги манзилдан танловга тегишли қўшимча маълумот олишлари мумкин: Тошкент ш., Фурқат кўчаси, 174, Республика таълим маркази. Мурожаат учун телефон: 227-04-12; 245-18-50.

2014-yil 26-aprel, № 34 (8683)

БЕКТЕМИРНИНГ ТЕМИР МУШТИ



Чемпион! Бугун ушбу сўзнинг қадри жуда баланд. Чунки мамлакатларнинг қудрати ва салоҳияти уларнинг спорт соҳасида қўлга киритаётган ютуқларига қараб ҳам белгиланади. Бунга жонажон юртимизда спортни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётганидан ҳам аниқлаш мумкин.

Айниқса, ўзбек ўғлонларининг жаҳон спорт майдонларида эришган оламшумул муваффақиятларини кўрганда, ҳар бир юртдошимизнинг қалби қувонади, қувонганидан дўпписини осмонга отади.

Болгария пойтахти София шаҳрида бокс бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида иштирок этган Бектемир Мелиқўзиев 69 килограмм вазндаги рақиблари орасида тенгсиз эканлигини исботлади!

У ярим финал баҳсида доминиканлик боксчи Хуан Соланони учинчи раундда техник нокаутга учратиб, ҳал қилувчи босқичга йўл олганди. Ўзбекистонлик моҳир спортчи финалда хорватиялик Лука Пренжака билан муштлашди. Яқунда ҳакамлар уч раунд натижасини маълум қилди — 29:28, 30:27, 29:28, Бектемир — жаҳон чемпиони! Шунинг таъкидлаш жоизки, унинг бу муваффақияти Хитойнинг Нанкин шаҳрида бўлиб ўтадиган ёшлар олимпиадаси йўлланмасини тақдими этгани билан янада қадрлидир.



ди. Бектемир — уларнинг кенжаси. Хозир у Қўқон педагогика коллежининг 2-босқич ўқувчиси.

Айтиш керакки, Б.Мелиқўзиевнинг бокс бўйича эришган ютуқлари тасодиф эмас. У ўз иқтидорини ва тинимсиз меҳнати, мураббийларининг фидойилигини

натижасида бир неча марта мамлакат чемпиони бўлди, ўтган

Xushxabar

йили Бангкок шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида голибликни қўлга киритди.

Энг қизиғи, у жорий йил Наманган шаҳрида бўлиб ўтадиган «Баркамол авлод-2014» спорт мусобақаларига Фарғона вилояти терма жамоасини байроқдор сифатида бошлаб боради.

Шунингдек, яна бир иқтидорли вақилимиз, 49 килограммгача бўлган боксчилар ўртасида Сулаймон Латипов ҳам финал йўлланмасини қўлга киритганди. У ҳал қилувчи муштлашувда қозоғистонлик Шалкар Айхунбаев билан куч сынашди. Спортчимиз мусобақанинг сўнгги жангида бор имкониятини ишга солган бўлса-да, яқунда омад рақибига қулиб боқди, Сулаймон эса жаҳон чемпионатининг кумуш медали билан қияланди. С.Латипов ҳам Нанкин шаҳрига борадиган бўлди.

Ҳамюртларимиздан Иқболжон Холдоров ва Қозимбек Мардонов қўлга киритган бронза медаллари эвазига бокс бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси кучли учликдан ўрин олди.

Зоҳиджон ХОЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири

МАЙДОН СОЗ — МАШАҚҚАТ ОЗ

Наманган шаҳри марказидаги «Баркамол авлод» спорт мажмуаси мустақиллик йилларида янгитдан барпо этилган масканлардан. Бу ерда энгил атлетика, қўл тўпи, оғир атлетика, футбол ва сузиш билан шуғулланиш, маҳорат ва тажрибаларини ошириш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

2011 йили қуриб фойдаланишга топширилган иншоот ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларининг навбатдаги «Баркамол авлод» спорт ўйинлари ўтказилиши муносабати билан янада кўркам қиёфа касб этди.

Ёшларнинг улкан спорт байрамини муносиб ташкил этиш ва ўтказиш бўйича белгиланган чора-тадбирлар режасига биноан, бу ерда 2 млрд. 440 млн. сўмлик қурилиш ишлари, сузиш ҳавзасини таъмирлаш,

югуриш йўлакларига янги резина қоплама тўлаш, футбол майдонига чим ёқтизиш, қийинчи ва ювинчи хоналарини капитал реконструкция қилиш ишлари бажарилди.

— Югуриш йўлакларига Германия технологияси асосида Швейцарияда ишлаб чиқарилган 7200 квадрат метр резина қоплама тўшалди, — дейди бош пудратчи «Косонсойбунёда-қурилиш» МЧЖ муҳандиси Зунун Абдурахмонов. — Унинг қулайлиги ва афзаллиги

спортчиларимизга манзур бўлиши аниқ.

25х11 метр ҳажмли сузиш ҳавзаси ҳам энг сўнгги талаблар асосида таъмирланди ва жиҳозланди. Шунингдек, 100 ўринли залда томошабинлар учун ҳам қулайликлар яратилди. Мажмуанинг футбол ўйингоҳида мавжуд 7500 квадрат метр майдоннинг чим тўшамаси янгиланди. Бу ерда ҳам 1000 нафар томошабин спорт ўйинларини мириқиб кўриши мумкин.

Ғанишер АҚБАРОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Ҳар бир она фарзанди туғилиши арафасида турли ҳиссиётларни бошидан кечиради. Тўққиз ой давомида ўз зурриёдини бағрида асраб, унинг соғлом туғилишига умид боғлайди. Ҳомила ўсиб-ривожланиш даврида унинг вазни ҳам ортиб боришини ҳисобга олсак, бу аксарият ҳолларда оналарда ҳаракатсизлик, тез-тез чарчаш, ҳолсизланиш каби ҳолатларга сабаб бўлади.

Биринчи бор фарзанд кўришга тараддулланган ёш она учун жисмоний машқлар билан шуғулланиш тавсия этилади. Бироқ айрим оналар жисмоний ҳаракатлар туғилажак болага ҳавф етказди, деб хавотирга тушади. Аммо мутахассислар ҳафтасига 2-3 марта мунтазам жисмоний машқлар ҳомиладор аёл танасидаги ортқича зўриқилишнинг олдини олиб, руҳий энгиллик бахш этишини таъкидлашади.

Ҳомиладорлик даврида бўлажак онанинг руҳий ва жисмоний саломатлигига эътиборли бўлиши жуда муҳим. Бу борада мутахассисларнинг фикрлари қуйидагича.

Зилола Иноятова, олий тоифали гинеколог:

— Ҳомиладор аёлга бемордай муомала қилиш ярамайди. Бу — касаллик

2014-yil — Sog'lom bola yili

оҳиста бажарилади. Ҳомиладорликнинг йигирманчи ҳафтасидан кейин қунига 6—8 марта буйраклар учун махсус машқлар тавсия этилади. **Буйраклар учун машқларда** бошланғич ҳолат — тизза-тирсак ҳолати бўлиб, онда тирсакка таянлади. Нафас олаётганда бел соҳаси шундай букиладики, у камалак кўринишига келади, бошни паствага эгиб, қоринга қарайди. Шу ҳолатда бир бор олинган чўқур нафас 21 сония ушлаб турилади. Кейин нафас чиқараётганда аста-секин бошни кўтариб, олдинга қараш ва белни тик ҳолатга келтириш талаб этилади.

Ушбу машқни тик туриб стол, дераза тоқчасига таянган ҳолда ҳам бажариш мумкин. Бунда навбатма-навбат ўнг ва чап оёқлар тиззадан букилади.

Ҳомиладорлик даврида ортқича куч

ФАРЗАНДИМ СОҒЛОМ ТУҒИЛСИН ДЕСАНГИЗ

мунтазам равишда жисмоний машқларни бажаринг

эмас, балки ҳар бир аёл ҳаётидаги муҳим меъёрий-табиий жараён эканини унутмаслик керак. Аксинча, уларга кўмаклашиш, имкон қадар руҳан ва жисмонан тетик бўлиши учун қўллаб-қувватлаб туриш лозим. Ҳомиладорликнинг дастлабки 12 ҳафтаси боланинг жисмоний ривожланиши учун муҳим давр. Ҳар ой ҳомила вазни ортиб боради. Шу боис ҳомиладор аёллар учун жисмоний машқларни бажариб туриш тавсия этилади. Бу эса туғилажак бола ва она саломатлигини яхшилашга хизмат қилади.

Жисмоний машқлар танадаги мушакларни мустаҳкамлайди. Масалан, оддий машқ турлари — юриш, сузиш, бантанбария ва йоға машқлари ҳомиладорлик даврининг энгил кечилишини таъминлайди. Фаол физиологик машқлар оналарни туркук даврига тайёрлаб, уни асоратсиз ўтказишга ёрдам беради. Бундан ташқари, жисмоний машқлар ҳомиладор аёлнинг қорин мушакларини ҳам ривожлантиради.

Аёл гимнастика машқларини мунтазам равишда тўғри бажарса, тез-тез кузатилаши мумкин бўлган бош оғригидан фориғ бўлади. Айниқса, токсикоз даври энгил кечадиган, ортқича жисмоний ҳаракатлардан чарчаб қолмайди. Энг муҳими, доим ўзини руҳан тетик ва хушайфийда ҳис этади.

Ҳомиланинг биринчи ойиданоқ жисмоний машқлар билан шуғулланиш она саломатлигини яхшилашда жуда фойдали. Фақат машқни бажарганда, умурткани ҳаддан ташқари букмаслик керак. Шунинг унутмангки, тўғри қилинган жисмоний машқлардан тана етарлича қувват тўплаб, бўлажак онани туркукка тайёрлаб боради. Пилатес усулидаги аэроб гимнастика — чўқур нафас олиб, чиқариш усули ҳам жуда фойдали. У қонга кислород етиб боришини энгиллаштириб, қон айланишини яхшилабди. Айниқса, анемия (камқонлик) ва ҳомиладорлик даври оғир кечганда нафас олиш машқи ниҳоятда самарали таъсир кучига эга.

Эрталаб уйқудан уйғониб, оддий машқларни, кўннинг қулай пайтида эса асосий машқларни бажариш лозим. Ҳомиладор каттаргани сари табиий равишда буйракни сиқиб қўяди. Бунда «Тизза-тирсак» усулида эмаллаб юриш машқини бажариш она соғлиғига яхши таъсир кўрсатади, оёқдаги шишлар ҳам камаюди.

Комплекс машқлар ҳомиладорлик даврига мос бўлиб, барча ҳаракатлар

талаб қилувчи айрим машқлар болага зиён етказиб қўйиши мумкин. Шу боис сақраш, кескин айланма ҳаракатлар, кросс югуриш каби танани зўриқтирувчи машқлар тавсия этилмайди. Табиийки, ҳар бир машқ шифокор назорати ва кузатуви остида олиб борилиши зарур.

Меҳринис Олгун, мураббий-инструктор:

— Ҳомиладорлик даврида организм анча заифлашиб, танада релаксин моддаси кўп миқдорда ишлаб чиқарилади. Натижада бўғим ва пайлар бўшади. Релаксация усулидаги машқлар эса танадаги оғирлиқни энгиллаштириб, уни идора қилишни яхшилабди. Бундай машқлар бошқа турдаги гимнастика билан уйғунлаштириб олиб борила, таъсири дарҳол сезилади. Дастлаб 10 дақиқа тайёргарлик, 5 дақиқа асосий гимнастик, 10 дақиқа дам олдирувчи машқлар билан шуғулланиш керак. Машқни бажариш жараёнида ҳомиладор аёл юрак уриши, қон босими, тана ҳарорати ўзгаришига алоҳида эътибор бериши керак. Агар аёл машқларни бажариш жараёнида тез-тез чарчаб қолса, онда тайёргарлик машқлари билан чегараланиш лозим.

Ҳомиладор аёл машгулотдан 15 дақиқа олдин энгил таом тановул қилиб олиши зарур. Оч қоринга шуғулланиб бўлмайди. Спорт кийими ҳаво ўтказувчан материалдан тайёрланган бўлиши ҳам муҳим.

Соғломлаштирувчи сузиш машқлари оёқ ва қўл мушакларини мустаҳкамлаб, юрак ва нафас олиш тизими фаолиятини яхшилабди. Вазни оғирлашиб бораётган аёлга руҳан энгиллик бахш этади. Бу даврда қўллаб аёллар аква-аэробика билан шуғулланишини хуш кўради. Бундай гимнастика машқлари сувда бажарилади. Аммо бу каби машгулотлар ўтказиш услуби ҳомиланинг 1—3 ойлик даврига қадар тавсия этилади. Сувда бажарилган машқлар ҳам оёқ шишларини камайтиради.

Бўлажак ёш оналар учун ҳомиладорлик даврининг осон ўтишида жисмоний машқлар ва гимнастика билан шуғулланиш фақат ва фақат фойдалидир. Шунда онанинг ўз вужудида асраб, ёруғ оламга келтирган боласи соғ-саломат, тўрт мучаси соғлом бўлади. Зеро, доно халқимиз соғлом онадан соғлом бола туғилади, деб бежиз айтмайди.

Одина ҚУЛМУРОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Жажи болажонларнинг ҳар томонлама соғлом ва бақувват бўлиб улғайиши ота-оналарнинг қувончига қувонч қўшади. Оилада бахтиёр ўғил-қизларнинг шўх кулгуси янграб туради. Бунинг учун фарзандларимизни боғча ёшидаёқ спортга ошно қилиб тарбиялаш керак.

Мана шу тамойилга амал қилиб келаётган пойтахтимизнинг Учтепа тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими томонидан «Соғлом бола йили»га бағишлаб мактабга таълим муассасаси тарбияланувчилари ўртасида «Соғломжон — полвонжон» спорт мусобақаси ташкил этилди. Анъанавий tarzda ўтказиб келинаётган мазкур қувноқ эстафетада тумanning 6 та MTM кичкintoyлари қатнашди.

— Мусобақа иштирокчилари ёшига мос, шартлари осон ва енгил бўлган баҳсларда ўз имкониятини синнаб кўришди, — деди Учтепа туман ХТМФМТЭ бўлими методисти Зийда Аҳмедова. — Масалан, 30 метр масофага югуриб бориб, тўсиқни айланиб қайтади ва стартада кутиб турган шериги кимўзарни давом эттиради...

Қизиқarli ўтган мусобақа якунида ғолиб ва совриндорлар аниқланиб, ташилотчиларнинг эсдалик совғалари улашилди.

МУХБИРИМИЗ.

СОҒЛОМ БОЛА — ПОЛВОН БОЛА



Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

• реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • эълон



Китоб миллатнинг ақл кўзини ёритувчи офтобдир!

Ғафур Ғулom номдаги нашриёт-матбаа ижодий уйи шу йилнинг 6 мартидан 31 майгача қадар «Китоб — даромад манбаи» номли янги баҳорги акция ўтказилаётганлигини маълум қилади.

Акцияда иштирок этиш учун лицей, коллеж, олий ўқув юртлари ўқувчи ва талабалари, шунингдек, барча адабиёт ихлосмандлари тақлиф қилинади.

Ижодий уй томонидан акция иштирокчиларига ҳар бир сотилган китобдан 10% миқдоригача пул мукофоти берилади.

Акция давомида ўзини кўрсата олган иштирокчиларга совғалар берилади ва улар ижодий уйга савдо агенти сифатида ишга олинади.

Акцияда иштирок этишни хоҳловчилар қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишлари мумкин:

241-83-29, 144-41-82, (+99893) 554-38-53, (+99898) 117-75-51.

E-mail: iptdgulom@sarkor.uz, info@ggilit.uz, kitobxon71@mail.ru.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур кўчаси, 86-уй.

Диққат акция!



Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Xayrulla ABDURAHMONOV (mas'ul kotib), Jumanazar BEKNAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Farrux JABBOROV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Farhod RIZAYEV, Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari), "Uchitel' Uzbekistana", Mirzakarim XUDDIYEV, Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Uchitel' Uzbekistana"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



INDEXS: 149, 150. G-426.
Tiraji 57909.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirish boshish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 233-53-14, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 233-56-45, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 233-54-49, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 233-54-63, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 233-76-40, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.

Navbachi muharrir:
Xulkar TO'YMANOVA.

Navbachi:
Bobomurod XUDYOBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi.

Korxona manzili:
«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy
123 5

ЎЗА якуни — 02.25
Toshirildi — 03.00